2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 176 (1502), 2025 йил 27 август, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИОРДАНИЯ ЎРТАСИДАГИ АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК ВА КЎП ҚИРРАЛИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн 25-26 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Иордания Яқин Шарқ минтақасида жойлашган, 12 та ҳудуддан иборат давлат. 11,7 миллион аҳоли истиқомат қилади. Жаҳон банкининг расмий маълумотларига кўра, 2024 йилда Иорданиянинг ялпи ички маҳсулоти 53,3 миллиард долларни, аҳоли жон бошига 4700 долларни ташкил қилган. Ташқи савдо айланмаси 37,1 миллиард доллардан ошади. Иордания асосан фосфатлар, тайёр кийим-кечаклар, тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотлари экспорт қилади. Фосфатлар бўйича жаҳондаги етакчи экспортёрлардан бири, бу минераллар, асосан, ўғит ва кимёвий моддалар сифатида экспорт қилинади. Иорданиянинг тўқимачилик саноати маҳсулотларининг катта қисми АҚШ ва Европа Иттифоқига йўналтирилган.

Иордания иқтисодиёти асосан хизматлар соҳасига асосланган бўлиб, ялпи ички маҳсулотининг 75,5 фоизини ташкил этади. Саноатнинг ҳиссаси — 19,6 фоиз, қишлоқ хўжалигининг эса — 4,9 фоиз.

Туризм миллий даромаднинг муҳим қисми ҳисобланади. Иорданияда табиий ресурслар, хусусан, нефть ва газ захиралари кам. Давлат фосфат, калийдан тайёр маҳсулотлар ва кимёвий моддалар экспортига таянади.

Халқаро молиявий ёрдам Иордания иқтисодиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мамлакат Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Кўрфаз мамлакатлари каби донорлардан ёрдам олади. Ушбу ҳамкорликлар, шунингдек, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар билан бирга Иорданияга қийин геосиёсий ва иқтисодий шароитда барқарорликни сақлаб қолишга ёрдам бермоқда.

Иқтисодий эркинлик индекси бўйича жаҳон рейтингида Иордания 69-ўрин, минтақавий рейтингда эса 6-ўринни эгаллайди. Ишбилармонлик муҳити бўйича жаҳон рейтингида Подшоҳлик 65-ўринда туради.

Иордания дунёдаги энг йирик фосфат ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади ва бу борада ТОП-5 таликка киради, унинг тасдиқланган захиралари 1,5 миллиард тоннадан ошади. 2024 йилда барча конларда қуруқ фосфатнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми 11,5 миллион тоннага етган.

Ўзбекистон 1993 йилда Иордания билан дипломатик муносабатлар ўрнатган ва ҳамкорлик қилиб келади. Давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2024 йилда қарийб 4,6 миллион долларни ташкил этди ва жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 4,3 миллион долларга етди. Томонлар товар айирбошлаш ҳажмини бир неча карра ошириш имкониятига эга ва бундан самарали фойдаланилмоқда.

25 август куни Самарқанд шаҳри аэропортида Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайнни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Икки давлат раҳбарлари Самарқанд шаҳрининг улуғвор тарихий обидалари, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 август куни Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида ўтказилди.

Дастлаб Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайнни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Конгресс маркази биноси олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шоҳсупага таклиф қилди.

Ҳарбий оркестр икки мамлакат давлат мадҳияларини ижро этди.

Ўзбекистон Президенти ва Иордания Подшоҳи фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегация аъзоларини қутладилар.

Музокаралар олдидан давлат ташрифи дастури доирасида Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

Конгресс марказида хорижий бозорлар учун халқаро стандартларга жавоб берадиган кенг турдаги юқори сифатли маҳсулотлар кўргазмага қўйилган.

Олий мартабали меҳмонга тоғ-кон, фармацевтика, кимё, тўқимачилик, заргарлик саноати, қишлоқ хўжалиги ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги технологик босқичлар, ишлаб чиқариш қувватлари, инновациялар ва қўлланилаётган энг илғор ускуналар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Экспозициядан юқори қўшилган қийматга эга тайёр саноат маҳсулотлари намуналари: дори воситалари, тиббий асбоб-ускуналар, минерал ўғитлар, тўқимачилик, трикотаж ва заргарлик буюмлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари, IT ечимлари ва бошқалар ўрин олган.

Иордания етакчиси Ўзбекистон маҳсулотлари ва саноат салоҳиятини юксак баҳолади. Давлат раҳбарлари етакчи корхоналар кооперациясини кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш ва технологиялар трансферини амалга ошириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Сиёсий мулоқот ва маданий-гуманитар алмашинувни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида Иордания Подшоҳи давлатимиз раҳбарига ташриф билан келишга таклиф қилгани ҳамда Иордания делегациясига кўрсатилаётган илиқ ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Дипломатик муносабатлар тарихидаги илк олий даражадаги ташриф икки томонлама ҳамкорликда янги босқични бошлаб бериши ва уни кенг қамровли шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги анъанавий дўстлик ва кўп қиррали амалий ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётгани, икки мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар стратегиялари ўхшашлиги қайд этилди.

Етакчилар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик олиб борилаётганини мамнуният билан қайд этиб, ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватлашни фаол давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Давлатлар ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги конструктив мулоқотни ва идоралар ўртасидаги яқин алоқаларни давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Икки томонлама савдо кўрсаткичларини каррасига ошириш, қўшма инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини амалга оширишга тайёрлик тасдиқланди.

Кимё ва тўқимачилик саноати, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, геология, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, туризм ва бошқа тармоқларда кооперацияни кенгайтиришга келишиб олинди.

Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашини ишга тушириб, жорий йил якунигача уларнинг илк йиғилишларини ўтказиш таклифи билдирилди. Икки мамлакатнинг етакчи компания ва ишлаб чиқарувчилари иштирокида Ўзбекистон — Иордания бизнес форумининг ўтказилиши ишбилармон доиралар ўртасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатишга хизмат қилади.

Маданий, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни, шу жумладан, қўшма маданият ҳафталиклари, концертлар, экспозиция ва кўргазмалар ўтказиш орқали янада фаоллаштиришга тайёрлик билдирилди.

Ўзбекистон ва Иордания халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ тарихга эга бўлиб, бугунги кунда янги босқичга кўтарилмоқда. Шу нуқтаи назардан, умумий маънавий меросни биргаликда ўрганиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, икки мамлакат исломшунослик марказлари ва институтлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар бағрикенг ва маърифатли ислом ғояларини биргаликда илгари суриш зарурлиги ҳақида якдил фикрга келдилар. Давлатимиз раҳбари Подшоҳ Абдулла II томонидан бундан ўн йил олдин бошланган “Ақаба жараёни” ташаббусини юқори баҳолаб, ушбу муҳим ташаббуснинг навбатдаги йиғилишларидан бирини Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф этди.

Икки мамлакат пойтахтлари ўртасида мунтазам авиақатновларнинг йўлга қўйилиши ва визасиз режим жорий қилиниши ишбилармонлик алоқалари ва ўзаро сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилиши таъкидланди.

Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Музокаралар якунида Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Ҳусайн давлатимиз раҳбарини Иорданияга ташриф билан боришга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн Шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилдилар.

Умуман, ташриф доирасида 15 та икки томонлама ҳужжат имзоланди, жумладан:

— экстрадиция тўғрисида битим;

— инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида битим;

— қўшма комиссия тузиш тўғрисида битим;

— виза талабларини бекор қилиш тўғрисида битим;

— олий таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида баённома;

— товарлар ва транспорт воситалари ҳаракати тўғрисидаги дастлабки маълумотларни онлайн алмашиш тўғрисида баённома;

— қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— ветеринария соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида меморандум;

— дин ишлари бўйича англашув тўғрисида идоралараро меморандумлар;

— Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайннинг давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси.

Иордания Подшоҳининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Иорданиянинг “Ан-Наҳда” (“Ренессанс”) ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу мамлакатнинг олий мукофотини давлатимиз раҳбарига Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн шахсан топширди.

— Ушбу мукофотни кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги умумий саъй-ҳаракатларимизнинг муносиб эътирофи, шунингдек, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган Ўзбекистон халқига дўстона муносабат ва ҳурмат ифодаси сифатида катта мамнуният билан қабул қиламан, — деди Президентимиз.

Иордания Подшоҳининг Ўзбекистонга тарихий ташрифи ва самарали музокаралар натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги шериклик даражасига кўтарилди.

Етакчилар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга келишиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Ҳусайн Иорданиянинг жадал ривожланишига, мамлакатнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини амалга оширишга, халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ва таъсири юксалишига қўшган ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Президентимиз ушбу юксак мукофот Ўзбекистон ва Иордания халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик рамзи сифатида муносиб ўрин эгаллашини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Ҳусайнга мукофот учун яна бир бор миннатдорлик билдириб, Иордания халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон — Иордания саммити якунида биргаликда дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн Самарқанддаги Конгресс маркази боғида эман экдилар.

Маросим Ўзбекистон — Иордания муносабатларида янги давр бошланаётгани ҳамда етакчиларнинг халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга интилиши рамзи бўлди.

Тадбирлар якунлангач, Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

Айтиш мумкинки, Президентимиз таклифига биноан Ўзбекистон — Иордания дипломатик муносабатлари тарихида илк бор Иордания Подшоҳининг юртимизга амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликда янги босқични бошлаб бергани ва уни кенг қамровли шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди. Икки кун давомида давлатлар етакчиларининг самимий ва дўстона мулоқотлари, самарали музокаралари натижасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор ва истиқболли йўналишлари белгиланди ҳамда уларни кенгайтириб боришга келишиб олинди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

2025 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЮНЕСКО УЧУН ТАРИХИЙ ЙИЛ БЎЛАДИ

Ташкилот бош конференцияси 1985 йилдан буён биринчи марта Париждан ташқарида — Самарқандда ўтказилади

ЮНЕСКО бош директорининг биринчи ўринбосари Син Цюй Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз халқига ўзининг байрам қутловини йўллади:



— 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан ЮНЕСКО бош директори номидан Ўзбекистон халқига самимий табриклар ва эзгу тилакларни йўллайман.

Бу йил Ўзбекистон учун ҳам, ЮНЕСКО учун ҳам тарихий йил бўлади, чунки ташкилот бош конференцияси 1985 йилдан бери биринчи марта Париждан ташқарида ўтказилади.

Ушбу муҳим тадбирни Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистоннинг маданий дипломатия, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ва глобал ҳамкорликдаги етакчи ролининг халқаро миқёсда эътироф этилиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, Бош конференциянинг 43-сессияси олдидан шу йил 27-28 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг 14-Ёшлар форумини ўтказиш таклифи учун Ўзбекистондан миннатдормиз. Ушбу форум иқлим ўзгаришининг ижтимоий оқибатларини ва иқлимга адолатли ўтиш зарурлигини муҳокама қилиш учун муҳим платформа бўлиб, айниқса, ёшларга эътибор беради.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО миссиясига содиқлиги Президент Шавкат Мирзиёев ва ЮНЕСКО бош директори ўртасида 2025 йил 12 март куни Парижда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистоннинг тинчлик, билим ва барқарор ривожланиш тарафдори эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

Шунингдек, ҳукуматингиз ташаббуси билан Рубоб ясаш ва чалиш санъатининг 2024 йил охирида ЮНЕСКО Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани билан табриклашга ижозат бергайсиз.

ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг доимий қўллаб-қувватлашини юксак қадрлайди ва келгусида янада фаол ҳамда самарали ҳамкорликка умид қилади.

“Дунё” АА
Париж шаҳри



ИОРДАНИЯ ПОДШОҲИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

Марказий Осиё – Яқин Шарқ алоқалари ривожланишига мустаҳкам замин яратди

Хорижий экспертлар олий даражадаги биринчи Ўзбекистон — Иордания саммити якунлари ҳақида

Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн 25-26 август кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди ва бу икки томонлама муносабатларда янги босқич ҳисобланади.

Ташрифнинг асосий воқеалари бугунги кунда Марказий Осиё минтақасининг муҳим дипломатик марказига айланиб бораётган қадимий Самарқандда бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ташриф дастуридан шаҳардаги қадимий меъморий обидалар — Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур мақбараси ва Регистон майдонини зиёрат қилиш ўрин олди.

Давоми 2-бетда

Ислоҳотлар самараси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 34 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган мана шу фараҳбахш кунларда жонажон Ватанимиз шонли тарихининг энг муҳим бурилиш нуқтасида. Зеро, бугунги кунга келиб, янги Ўзбекистон деган тушунча энди фақат сиёсий ироданинг ифодаси бўлибгина қолмай, у бағрикенг халқимиз, салоҳиятли, меҳнатсевар, элпарвар одамларимиз билан бирга шаклланаётган, адолат, тенглик ва тараққиёт тамойилларига асосланган бутун бошли ижтимоий-фалсафий ҳаракатга айланди. Бошқача айтганда, янги Ўзбекистон ғояси бунёдкор, ватанпарвар, тараққийпарвар юртдошларимиз хоҳиш-иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан реал ҳақиқатга айланмоқда. Бу ҳаракатнинг марказидан эса инсон, унинг қадри, айниқса, ўз салоҳиятини тўлақонли намоён этишга интилаётган, жамиятда муносиб ўрин эгаллаш истагидаги маънан уйғоқ, маърифатли хотин-қизларимиз ўрин олган.

Айни пайтда хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги фаол иштироки долзарб масалалардан бирига айланган. Зеро, ҳар қандай тараққиёт асоси, энг аввало, оиланинг мустаҳкамлиги, аёлларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси ва осойишта ҳаётини таъминлашдан бошланади. Шу боис, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ҳам айнан шу инсоний мақсадлар мужассам.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши учун зарур ҳуқуқий ва институционал механизмлар яратилди. Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, шунингдек, эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларни кафолатлаш — бугуннинг устувор вазифаларидан.

Давоми 3-бетда

ИОРДАНИЯ ПОДШОҲИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

Марказий Осиё – Яқин Шарқ алоқалари ривожланишига мустаҳкам замин яратди

Бошланиши 1-бетда

Маданий дастурдан ташқари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига эътибор қаратилди. Икки давлат раҳбарлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган экспортбоп маҳсулотлар кўргазмасини бориб кўрди. Иордания Подшоҳи Ўзбекистоннинг саноат имкониятларини юқори баҳолаб, икки мамлакат етакчи корхоналари ўртасида технологиялар алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Иорданиянинг “Ан-Наҳда” (“Ренессанс”) ордени билан тақдирланиши ташрифнинг кулминацион нуқтаси бўлди. Мустаҳкам дўстлик ва чуқур ишонч рамзи сифатида ушбу фахрий орденни шахсан Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн давлатимиз раҳбарига топширди. Президент Шавкат Мирзиёев мукофотни қабул қилар экан, “Ушбу мукофотни кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги умумий саъй-ҳаракатларимизнинг муносиб эътирофи, шунингдек, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган Ўзбекистон халқига дўстона муносабат ва ҳурмат ифодаси сифатида катта мамнуният билан қабул қиламан”, дея алоҳида таъкидлади.

Хорижий экспертлар ушбу ташрифни муҳим геосиёсий воқеа, унинг натижаларини нафақат икки томонлама форматдаги самарали ҳамкорлик асоси, балки Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоламоқда.

Антонио АЛОНСО,
Сан-Пабло университети профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис (Испания):



— Иордания Подшоҳининг Ўзбекистонга тарихий ташрифи ва Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган самарали ташқи сиёсатининг ёрқин тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон етакчиси раҳнамолигида конструктив, очиқ ва ишончли мулоқот таъминланди, унинг натижасида иқтисодиёт ва сармоядан тортиб, фан, таълим ва туризмгача бўлган асосий йўналишларни қамраб олган 15 та икки томонлама ҳужжат имзоланди. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар тарихида илк бор виза тартибини бекор қилиш ва мунтазам авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди, бу эса ишбилармонлик ва маданий алоқалар учун янги уфқларни очади.

Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим, шунингдек, амалий ҳамкорликнинг кучли механизмларига айланадиган қўшма комиссия ва ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, томонлар саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, геология, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни фаол амалга оширишга тайёр экани алоҳида таъкидланган.

Президент Шавкат Мирзиёев нафақат иқтисодий, балки гуманитар соҳага ҳам эътибор қаратиб, маданий-маърифий ва илмий алмашинувларни, исломшунослик соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш лозимлигини айтиб ўтди.

Иордания Подшоҳининг “Ақаба жараёни” ташаббусини юксак баҳолаган Ўзбекистон Президенти унинг йиғилишларидан бирини Самарқандда ўтказишни таклиф қилди. Бу эса бағрикенглик ва маърифий ислом ғояларини тарғиб қилишда Ўзбекистоннинг роли тобора ортиб бораётганини тасдиқлайди.

Шу тариқа Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаган дипломатияси ва раҳбарлиги туфайли Ўзбекистон Иордания билан ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини шакллантириш, унинг халқаро нуфузини ошириш ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратиш йўлида муҳим қадам ташлади.

> **Ўзбекистон ва Иордания исломий цивилизациянинг муҳим марказлари сифатида халқаро майдонда ўзига хос ўрин эгаллайди. Тарихан Тошкент ислом илм-фани, маданияти ва таълимининг йирик маркази бўлиб келган, бунинг яққол далиллари сифатида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Сино каби буюк олимларнинг номларини келтириш мумкин.**

Пан ДАВЭЙ,
Шанхай Ижтимоий фанлар академиясининг Россия ва Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш маркази профессори (Хитой):

— Ўзбекистон ташқи сиёсатида очиқлик ва кўп йўналишлилик стратегиясини изчил амалга оширмоқда. Сўнгги йилларда расмий Тошкент Яқин Шарқ давлатлари билан самарали ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа халқаро платформалардаги фаол иштироки икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш учун муҳим восита бўлиб хизмат қиляпти. Ушбу жараёнлар Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга замин яратаётир.

Ўзбекистон ва Иордания исломий цивилизациянинг муҳим марказлари сифатида халқаро майдонда ўзига хос ўрин эгаллайди. Тарихан Тошкент ислом илм-фани, маданияти ва таълимининг йирик маркази бўлиб келган, бунинг яққол далиллари сифатида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Сино каби буюк олимларнинг номларини келтириш мумкин.

Амман эса, ўз навбатида, муқаддас жойларнинг ҳимоячиси ва динлараро мулоқот маркази сифатида танилиб, анъаналар билан замонавий технологиялар ва иқтисодий тараққиётнинг уйғунлигини таъминлашда муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Иккала давлат ҳам Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақаларида барқарорлик ва ривожланиш жараёнларини қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнамоқда. Уларнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳамкорлиги минтақавий интеграция ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Иордания фармацевтика ва кимё саноати, тўқимачилик, шунингдек, ўғитлар ва қурилиш материаллари бўйича кучли салоҳиятга эга. Мамлакат фосфат ва калий захиралари билан машҳур бўлиб, уларнинг экспорти иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади.

Хитойда Иордания Подшоҳининг Ўзбекистонга биринчи расмий ташрифи тарихий воқеа сифатида қабул қилиниб, икки томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилгани юксак баҳоланмоқда. Икки давлат раҳбарлари иштирокида ўтказилган саноат кўргазмаси, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича келишувлар, визасиз режимни жорий этиш, туризм ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир битимлар икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва туристлар оқимини ошириш учун катта имкониятларни очмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, энергетика каби соҳалардаги ҳамкорлик алоҳида эътиборга лойиқ. Иордания компаниялари Ўзбекистондаги инфратузилма лойиҳаларида иштирок этишга фаол қизиқиш билдирмоқда, бу эса мамлакат иқтисодиётини модернизация қилишнинг янги истиқболларини очмоқда.

Макс СЭЙ,
“Kingsley Strategic Institute” таҳлил маркази ижрочи директори (Малайзия):



— Саммит ўтказиладиган жой сифатида қадимий Самарқанднинг танланиши ушбу тадбирнинг рамзийлигини таъкидлаб, икки давлатнинг мулоқотни чуқурлаштиришга интилишидан далолат беради.

Яқин Шарқнинг кўплаб давлатлари Ўзбекистон раҳбариятининг Фаластин масаласидаги конструктив позициясини, мамлакатнинг инсонпарварлик ташаббусларини, минтақада тинчлик ўрнатишга бўлган самимий истагини юксак қадрламоқда.

Анъанага кўра, Яқин Шарқ дипломатиясида муҳим роль ўйнайдиган Иордания Ўзбекистонни минтақавий можароларни адолатли ҳал этишга кўмаклашишда ишончли ҳамкор деб билади. Тошкентнинг Фаластин халқини қўллаб-қувватлаш ва тинч йўл билан келишувга чақируви араб давлатлари пойтахтларида ўз жавобини топмоқда, бу эса Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўртасида минтақалараро ҳамкорлик учун янги имкониятлар очмоқда.

Иордания Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга катта қизиқиш билдиряпти. Бу икки давлат савдо-саноат палаталари ўртасида яқинда имзоланган ўзаро англашув меморандуми билан ҳам тасдиқланди. Ҳар икки давлат бой тарихий меросга эга. Ўзбекистон қадимда Буюк ипак йўлининг маркази ва ислом цивилизацияси равнақ топган маскан бўлган бўлса, Иордания ЮНЕСКО рўйхатига киритилган қадимий савдо йўллари ва археологик ёдгорликларнинг сақловчиси ҳисобланади. Ушбу тарихий мерос Ўзбекистон билан араб давлатлари, жумладан, Иордания ўртасидаги замонавий ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.



Гўзель МАЙТДИНОВА,
Геосиёсий тадқиқотлар маркази директори, Россия-Тожикистон (славян) университети профессори:

— Иордания Подшоҳининг давлат ташрифи Ўзбекистоннинг 2025 йилдаги дипломатик тақвимидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Бу 1993 йил 15 февралда бошланган Ўзбекистон — Иордания муносабатлари изчил ривожланишининг чўққисини ва икки давлат муносабатларини янада юқори босқичга кўтариш истагини ўзида акс эттирди.

Мазкур ташриф икки томонлама муносабатларда илк бор ташкил қилинган бўлиб, мулоқотнинг янги моделига ўтиш рамзи саналади. Геосиёсий нуқтаи назардан, ташриф Ўзбекистон учун Яқин Шарқдаги ва ислом оламидаги мавқеини мустаҳкамловчи қадам сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон — Иордания муносабатлари мустаҳкамлангани расмий Тошкент фаол равишда алоқаларни кенгайтираётган Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши мамлакатларига юборилган муҳим сигналдир. Иордания учун бу ташриф Марказий Осиёдаги сиёсий иштирокини кенгайтириш йўлидаги қадам бўлиб, бу Амманнинг ташқи сиёсий алоқаларни диверсификация қилиш курсига мос келади. Бутун Марказий Осиё учун эса ушбу ташриф “Марказий Осиё — Яқин Шарқ” мулоқотини ривожлантириш асосини мустаҳкамлайди.

Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайннинг ташрифигача Ўзбекистон — Иордания иқтисодий алоқалари камтарона эди. Бироқ сўнгги йиллар парадигма ўзгариши билан тавсифланади. Ҳар икки томон ҳам муносабатларга тизимли хусусият беришга интилмоқда, иқтисодий ва гуманитар имкониятларнинг бир-бирини тўлдиришига таянмоқда. Иордания етакчисининг ташрифи ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш тенденциясининг мантиқий давоми бўлди.

Ташриф давомида имзоланган муҳим ҳужжатлар тўплами мунтазам мулоқот, сиёсий-ҳуқуқий позицияларни мувофиқлаштириш, инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар яратиш, янги савдо каналларини очиш, қишлоқ хўжалиги ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда институционал асос бўлмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон — Иордания муносабатларини узоқ муддатли стратегик ривожлантиришга хизмат қилади.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Президентини Иорданиянинг “Ан-Наҳда” ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу Иордания томонидан кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга ҳурмат ва эътирофдан далолат беради.

Ўйлайманки, Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайннинг Ўзбекистонга ташрифи Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги моделини шакллантиришда муҳим босқич бўлди. Бунда Ўзбекистон ва Иордания қўллаб-қувватловчи бўғин сифатида ҳаракат қилиши мумкин.

“Дунё” АА

Нуқтаи назар

ТАДБИРКОРЛИК – ФАРОВОНЛИК ВА ҚУДРАТ МАНБАИ

Тадбиркорлик халқимизнинг азалий қадриятларидан. Бу хислат соҳиблари ҳалол меҳнат қилиб, ризқ-рўз топади. Шу боис, тараққий этган давлатлар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратади.

Мамлакатимизда тадбиркорларга иқтисодиётнинг таянчи сифатида қаралиб, бизнес муҳити тобора қулайлаштирилмоқда. Маҳалладаги якка тартибдаги тадбиркорликдан тортиб, йирик лойиҳаларгача қўллаб-қувватланмоқда. Бу жараёнда ишбилармонлик фаолиятига тўсиқ бўладиган омиллар бартараф этилди. Хусусан, бизнес юритишга доир кўплаб лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилиб, муддати қисқартирилди. Ортиқча текширувлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди.

Энг муҳими, янги таҳрирдаги Конституциямизда илк бор қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш бўйича давлат ўзига аниқ мажбуриятлар олди. Жамиятимиздаги бундай янгиланишлар халқимиз ҳаётида туб ўзгаришлар ясамоқда. Одамларда тадбиркорликка қизиқиш ортди, барча тармоқда тадбиркорлик муҳити шаклланиб, кичик ва ўрта бизнес ҳаётимизга жадал кириб келди.

Кичик бизнес маҳаллага, туманга янги муҳит олиб киради, одамларга шижоат беради. Иқтисодиёти жадал ривожланаётган кўплаб давлатда иш ўринларининг 70-80 фоизи шу соҳа вакиллари томонидан очилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасидаги давлат дастурларига асосан бу жабҳада муҳим чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиляпти. “Бизнесга биринчи қадам”, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажагимиз” каби дастурлар амалга оширилаётир. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун Бизнесни ривожлантириш банки, Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси ташкил этилди.

Микромолия бозори учун кенг йўл очилиб, бундай хизматлар давлат томонидан қўллаб-қувватланяпти. Тадбиркорларни инфратузилма, ер ва энергия билан соддалаштирилди, қулайликлар эса ошириб борилмоқда. Бу жараёнда якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Президентимиз бу жабҳадаги ишларга оид тақдимот билан танишиб, тизимдаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берди.

Хусусан, энди бу борадаги ислоҳотлар давом эттирилган ҳолда шаффоф тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, нақдсиз тўловлар учун қулайликларни кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Унга кўра, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2030 йил 31 декабрга қадар махсус ҳуқуқий режим жорий этилади. Уларни давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб ҳисоботни топширишгача бўлган барча асосий хизматни бирлаштирувчи интеграциялашган рақамли платформалар яратилади.

Жумладан, фаолиятни расмийлаштириш, банк ҳисобварақлари очиш ва бошқариш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш, ҳисоб-китоб қилиш ва фискал чекларни шакллантириш ушбу рақамли платформалар орқали юритилади.

Бу тизимда электрон ҳамён очилиши тадбиркорларга даромадларни қабул қилиш, ходимлар, контрагентлар ва ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш имкониятини беради. Электрон ҳамёнга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун банк ҳисобварақларини очиш ихтиёрий бўлади.

2025 йил 1 ноябрдан бошлаб бу жараёнларда “QR-код” ва “tap to pay” технологиясидан фойдаланилади. Ҳужжатларни масофавий биометрия ва SMS хабарнома орқали электрон калитсиз имзолаш мумкин бўлади. Бу маълумотлар қоғоз нусхадаги ҳужжатлар билан тенглаштирилади. “Кунлик тўлов” тартиби тажриба тариқасида жорий этилиб, ходимларга тўловларни электрон ҳамён орқали тўлаш имконияти яратилади.

2026 йил 1 январдан бошлаб йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланади.

> **Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларда электрон тўловларни қабул қилувчи махсус QR-код мавжуд бўлиши чакана савдо қоидаларининг мажбурий талаби этиб белгиланади. Рақамли платформадаги пул айланмаси тўғрисидаги маълумот кредит ажратишда инобатга олинади.**

Президентимизнинг шу йил 12 августдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу вазифаларни рўёбга чиқаришда муҳим асос бўлди. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг ихтиёрий равишда расмий секторда ишлашини рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш, маъмурий тартиб-таомилларнинг такрорланувчи ва ортиқча талабларини бекор қилиш, давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб ҳисоботни топширишгача бўлган барча асосий хизматни бирлаштирувчи интеграциялашган рақамли платформалар яратиш, нақдсиз тўловларни қабул қилиш учун қулай ва самарали механизмларни жорий этиш бу йўналишдаги устувор вазифадир.

Қарорга кўра, 2026 йил 1 январдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тартиби, солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан даромади 100 миллион сўмдан ошмаган ўзини ўзи банд қилган шахсларни айланмадан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилиш тартиби бекор қилинади.

— Тадбиркорлик барча соҳанинг локомотивидир, — дейди “Кичик бизнес” уюшмаси раиси Камола Мирзаалиева. — Аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, замонавий хизматлар кўрсатиш, янги иш ўринларини очиш масалаларида асосий ўринга эга ишбилармонлик ривожланса, албатта, бошқа соҳалар ҳам гуллаб-яшнайди. Бу ҳақиқатни ривожланган мамлакатлар тажрибаси тасдиқлаяпти. Шу боис, мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ҳар йили тадбиркорлар билан учрашиб, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича долзарб вазифалар юзасидан очиқ мулоқот қилмоқда.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар янада кенгайиши мазкур жабҳадаги саъй-ҳаракатлар ривожига хизмат қилади. Бу ишлар юртимизда рақобатбардош ва шаффоф тадбиркорлик муҳитини кучайтириш орқали бизнес ривожига кенг йўл очади, тадбиркорларнинг сони билан бирга ютуқларини ҳам кўпайтиради.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



> **Бугун дунёда рўй бераётган глобал ўзгаришлар мамлакатимиз олдига ҳам муҳим вазифаларни қўймоқда. Шундан келиб чиқиб, инсоният, минтақа ва миллий тараққиётимизга дахлдор кўплаб янги ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилаётир. Табиийки, бундай кенг миқёсли мақсад ва режаларни рўёбга чиқаришда бутун халқимиз қаторида тадбиркорларнинг ҳам ўз ўрни бор. Шу боис, тадбиркорлик ривожини таъминлаш учун ҳам саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш даврнинг муҳим талабидир.**

таъминлаш имконияти яхшиланди. Ички бозорда тенг рақобат муҳити яратилиши баробарида ташқи бозорларга чиқишга ҳам кўмаклашиляпти. Тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, тезкор ечим топиш чораси кўрилмоқда. Бундай эътибор ва яратилаётган имкониятлар туфайли якка тартибдаги тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда. 5,5 миллиондан ортиқ киши ўзини ўзи банд қилган.

Бугун дунёда рўй бераётган глобал ўзгаришлар мамлакатимиз олдига ҳам муҳим вазифаларни қўймоқда. Шундан келиб чиқиб, инсоният, минтақа ва миллий тараққиётимизга дахлдор кўплаб янги ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилаётир. Табиийки, бундай кенг миқёсли мақсад ва режаларни рўёбга чиқаришда бутун халқимиз қаторида тадбиркорларнинг ҳам ўз ўрни бор. Шу боис, тадбиркорлик ривожини таъминлаш учун ҳам саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш даврнинг муҳим талабидир.

Мамлакатимизда ана шу талабдан келиб чиқиб, бизнес юритиш қоидалари



www.yuz.uz — yuz.uznews — yuz_official — yuz.uz_news — yuz.uz

Ислоҳотлар самараси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ



Зулайҳо МАҲКАМОВА,
Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Хотин-қизлар фаоллиги ислоҳотлар марказида

Олима, тадбиркор ва ихтирочи аёлларимиз нафақат оилада, балки сиёсат, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа муҳим йўналишларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини юксалтириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида юзлаб хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида, давлат ва жамоат ташкилотларида самарали фаолият юритмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хотин-қизлар фаоллигини ошириш нафақат уларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш, балки жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда ҳам муҳим омил саналади. Шу маънода, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг салоҳиятини тўлиқ намоён этишига шароит яратиш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Қуйида фикримиз дали сифатида рақамларга юзлансак.

Сўнгги йилларда аёллар бошқарув тизимида тобора фаол иштирок эта бошлади. Айни пайтда улар бошқарув лавозимларининг 35 фоизини, тадбиркорлик секторининг 45 фоизини, сиёсий партиялар-нинг 49 фоизини ва олий таълим тизимининг 52 фоизини ташкил этмоқда. Биргина ўтган 2024 йил ҳолатига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларнинг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг 27 фоизи, маҳаллий кенгашларда эса 32 фоизи аёллардир. Таққослаш учун, 2018 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 12,6 фоиз, 20 фоиз ва 25 фоиз эди. Мазкур рақамлар бир неча йиллик сиёсий ирода, стратегик ёндашувлар самарадорлигини очиқ кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида аёллар нафақат иштирокчи, балки етакчи сифатида намоён бўлмоқда. Бир қатор муҳим лавозимларда — Сенат раиси, Бош вазир ўринбосари, Омбудсманлар, вазирлар, агентлик ва қўмита раҳбарлари сафида кўплаб раҳбар аёллар фаолият юритмоқда. Бу бугунги замонавий ўзбек аёлининг интеллектуал салоҳияти, маънавий етуклиги ва бошқарув қобилиятига берилаётган юксак баҳодир.



2018 йилда вазир ва унга тенглаштирилган лавозимларда аёллар улуши бор-йўғи 2,9 фоиз бўлган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 7,7 фоизга етди.

Жорий йилда мамлакат бўйлаб 550 нафардан ортиқ номзодлар орасидан сараланган энг иқтидорли 100 нафар хотин-қиз “Раҳбар аёллар мактаби”да ўқитилди. Уларнинг 11 нафари Туркия, Хитой ва Венгриядаги нуфузли ташкилотларда халқаро амалиёт ўтаб, тажриба алмашди.

Айниқса, “Ҳокимликка тайёрлаш мактаби”да (KPI) кўрсаткичлари бўйича энг юқори баҳоланган 15 нафар аёл танлаб олиниб,

> **“Салоҳиятли раҳбар аёл” номли онлайн ўқув дастури ишлаб чиқилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида 20 минг нафардан ортиқ хотин-қизнинг раҳбарлик, менежмент, стратегик режалаштириш ҳамда рақамли бошқарув йўналишларида замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишига имкон яратилади.**

“Раҳбар аёллар мактаби” келажак етакчиларини тайёрлайди

Шуни таъкидлаш керакки, хотин-қизларни у ёки бу даражадаги бошқарув лавозимларига тайёрлаш бир ёқлама сиёсат эмас, аксинча, пухта тайёргарликни талаб этадиган мураккаб ва тизимли жараён. Шу мақсадда яратилган “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастури асосида ҳозирга қадар 244 нафар аёл ўқитилиб, шулардан 60 нафарга яқини турли раҳбарлик лавозимларига тайинланди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

махсус ўқув дастурларига жалб этилгани келажакда вилоят, туман ва шаҳар даражасидаги раҳбарлар сафида аёллар сони ортишидан дарак беради.

Замонавий давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда рақамли технологиялар ва инновацион ёндашувлар муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан ишга туширилган “zaxira.argos.uz” рақамли платформаси — кадрлар сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мазкур платформа имкониятлари доирасида аёллар учун махсус модуль ташкил этилди. Турли соҳаларда фаолият олиб бораётган фаол ва салоҳиятли хотин-қизларнинг захираси яратилди.

Уларнинг касбий салоҳиятини ошириш, замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Салоҳиятли раҳбар аёл” номли онлайн ўқув дастури ишлаб чиқилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида 20 минг нафардан ортиқ хотин-қизнинг раҳбарлик, менежмент, стратегик режалаштириш ҳамда рақамли бошқарув йўналишларида замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишига имкон яратилади.

Мазкур ташаббуслар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш билан бирга уларни давлат бошқарувидаги фаол иштирокчиларга айлантиришга хизмат қилмоқда.

Бошқарувда тенглик, юксалишда салоҳият

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 19 июндаги “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида давлат фуқаролик хизматини сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқиш бўйича стратегик йўналишлар белгиланди. Ушбу ислоҳотлар доирасида хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва фаоллигини ошириш масаласи алоҳида устуворлик сифатида кўзда тутилган.

2030 йилгача бўлган даврда хотин-қизларни давлат хизматига фаол жалб этиш борасида аниқ мақсадли кўрсаткичлар белгилаб қўйилган. Жумладан, давлат фуқаролик хизматида аёллар улушини 40 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу борада босқичма-босқич янгича ёндашувлар қўлланилиб, 2025 йилда ушбу кўрсаткични 28 фоизга, 2026 йилда эса 30 фоизга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, миллий кадрлар захирасида ҳам аёллар улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, аёлларни юқори лавозимларга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг раҳбарлик салоҳиятини ривожлантиришга доир комплекс чоралар белгиланган. Шу орқали хотин-қизлар нафақат давлат бошқаруви тизими, балки стратегик қарорлар қабул қилиш даражасида ҳам фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Албатта, ушбу рақам ва кўрсаткичлар шунчаки статистика эмас. Улар яратилаётган ҳамда ҳуқуқий асосга эга жамиятни қуриш йўлидаги қатъий сиёсий ироданинг ифодасидир. Бу бугунги давр ўзбек аёлининг давлат ва жамият ҳаётидаги муносиб ўрни, эркин фикри ва етакчилик салоҳиятига билдирилган ишончни англатади.

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида дадил қадамлар ташланар экан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораверади. Бу жараён халқаро сиёсий майдонда ҳам жамият тараққиётининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки нафақат инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглигига хизмат қилади, шу билан бирга, барқарор, адолатли ва самарали бошқарув тизимини шакллантирадиган етакчи куч вазифасини ҳам ўтайди.

Дил изҳори



САНЪАТИМИЗ ВА МАЪНАВИЯТИМИЗ ЗИЁСИ ЭЛИМИЗ ҚАЛБИНИ ҲАМИША ЁРИТИБ ТУРСИН



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

Бугунги тез ўзгараётган, глобал рақобат тобора кучайиб бораётган дунёда ҳар бир миллат ўзлигини асраш, тарихий хотирасини тиклаш ва маънавий барқарорлигини таъминлаш орқалигина ҳақиқий мустақилликка эришиши ва уни мустаҳкамлаши мумкин. Чунки мустақиллик шунчаки сиёсий ёки ҳуқуқий мақом эмас, балки ҳар бир инсоннинг қалбидан барқарор жой олган, авлоддан авлодга ўтиши лозим бўлган муқаддас қадриятдир.

Бу муқаддас қадриятнинг замини, шубҳасиз, миллий маданият. Зеро, маданият миллатнинг маънавий юзи, қалби ва тафаккурини ифода этадиган буюк кучдир. Миллий санъатимиз, адабиётимиз, урф-одат ва анъаналаримиз кимлигимизни кўрсатувчи маънавий код, юртимизнинг тарихий ва маданий суянчиғидир. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги ҳар бир саъй-ҳаракат, яратилган ҳар бир асар ёки ижодий лойиҳа Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган эзгу иш сифатида қадрли.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган фармонларида турли жабҳада фидокорона меҳнат қилаётган ватандошларимиз билан бир қаторда маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳам муносиб рағбатлантирилгани юртимизда соҳага қаратилган юксак эътибор, изчил қўллаб-қувватлаш ва эътирофнинг амалий ифодаси бўлди.

Шундай шарафли паллада “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланганимни, энг авало, нафақат менга билдирилган ишонч, балки бутун ижодий жамоамиз, санъат ва маданият аҳлига берилган юксак эътироф сифатида қабул қиламан. Шунингдек, бу унвон халқимизни маънан юксалтиришга ҳиссса қўшаётган барча ҳамкасбларимизнинг ҳам ютуғидир.

Бугун юртимизда маданият соҳасига қаратилган эътибор туфайли ижодкорлар учун улкан имкониятлар эшиги очилмоқда. Бу ғамхўрлик, шубҳасиз, ҳар бир ижодкорни илҳомлантиради, зиммасига катта масъулият юклайди ва янги изланишларга ундайди.

Саҳнада янграётган ҳар бир қўшиқ, гавдаланаётган ҳар бир образ, китобларга битилаётган ҳар бир сатр халқимизнинг маънавий дунёсини бойитишга қўшилаётган салмоқли ҳиссадир. Шунинг учун ҳам бу юксак унвон мени янада самарали ишлашга, Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш йўлида тинмай меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларимни байрам билан қутлайман. Шундай юксак эътирофга муносиб кўргани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдираман.

Мустақиллигимиз бардавом, юртимиз обод бўлсин, санъатимиз ва маънавиятимиз зиёси халқимиз қалбини ҳамиша ёритиб турсин!

ОДДИЙ ҚИШЛОҚ АЁЛИГА БУ ҚАДАР ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАН ХУРСАНДМАН



Зуҳрахон ОРИПОВА,
“Жасорат” медали соҳиби
Олтиариқ тумани

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллик байрами оиламизда энг қувончли кун сифатида ёдимизда қолди. Уй юмушлари билан андармон бўлиб юргандим, маҳалладошларим келиб, Президентимиз фармонига биноан “Жасорат” медали билан мукофотланганимни айтди. Кутилмаган қувончли хабарни эшитиб, нима дейишимни, нима қиларимни билмай қолдим. Уйимизда бир зумда байрам бошланиб кетди. Нафақат маҳалламиз, балки бутун олтиариқликлар келгандек бўлди. Самимий тилаклар, дил изҳорларини эшитиб, кўнглим кўтарилди, ғурурландим. Оддий қишлоқ аёли сифатида бу қадар эъзоз ва эътибор топаман деб асло ўйламагандим.

Бахтсиз ҳодиса туфайли бир ярим ёшимда бир қўлим ногирон бўлиб қолган. Аммо тушкунликка тушмадим, ўксимадим. Яқинларим, яхшилар меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб улғайдим. Болалигимдан меҳнатга ошно бўлдим. Шу боис, ҳар бир қарич ердан, яратилган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. 12 сотих томорқамизнинг икки сотихида узумзор барпо этганмиз. Токларга шакл бериш, хомток қилиш, ҳашаротларга қарши ишлов бериш билан мавсумда 15 миллион сўмдан ортиқ даромад оламиз. Эрта кўкламда плёнка остида бодринг экамиз, кузакда тўқсонбости усулда редиска экиб, фойдасидан баҳраманд бўляпмиз. Оиламиздаги тинчлик-тотувлик, фаровонлик — қилинган меҳнатларимиз маҳсули.

Оила, фарзандлар тарбияси, томорқа юмушларидан ортиб, “Валижон Ғанижон” фермер хўжалигида ишлайман. Эрта кўкламдан кеч кузга қадар маҳалладошларим қатори дала юмушларига қарашаман. Йиғим-терим мавсумида кунига 100-150 кило пахта тераман. Ғалладан бўшаган экин майдонларида сабзавот, чорва учун озуқа экинлари экиб даромад оляпмиз. Хўжалигимиздан мол-қўй, сут-қатиқ аримайди. Рўзғордан ортганини қўни-қўшнилар билан баҳам кўрамиз, бозорга олиб чиқамиз.

Бу — ҳаёт, унинг ўзига яраша синовлари, қувончлари бор. Тўғри, қийналган, ўксиган дамларим ҳам бўлган. Ана шундай онларда сабр-тоқат, шукрона, атрофимдаги яхшилар меҳри, фарзандларим бахт-иқболидан куч оламан.

Президентимиз камтарона меҳнат ва изланишларимни қадрлаб, юксак мукофот билан тақдирлагани кўнглимдаги фахр, фидойилик, масъулият, дахлдорлик ҳиссини оширди. Ҳаммаси учун кўп раҳмат.

> **КУТИЛМАГАН ҚУВОНЧЛИ ХАБАРНИ ЭШИТИБ, НИМА ДЕЙИШИМНИ, НИМА ҚИЛАРИМНИ БИЛМАЙ ҚОЛДИМ. УЙИМИЗДА БИР ЗУМДА БАЙРАМ БОШЛАНИБ КЕТДИ. НАФАҚАТ МАҲАЛЛАМИЗ, БАЛКИ БУТУН ОЛТИАРИҚЛИКЛАР КЕЛГАНДЕК БЎЛДИ. САМИМИЙ ТИЛАКЛАР, ДИЛ ИЗҲОРЛАРИНИ ЭШИТИБ, КЎНГЛИМ КЎТАРИЛДИ, ҒУРУРЛАНДИМ. ОДДИЙ ҚИШЛОҚ АЁЛИ СИФАТИДА БУ ҚАДАР ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ТОПАМАН ДЕБ АСЛО ЎЙЛАМАГАНДИМ.**



АДАБИЁТИМИЗ ХАЗИНАСИНИ ЯНАДА БОЙИТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАВЕРАМАН



Набийра АРЗУОВА,
Қорақалпоғистон халқ шоири, “Дўстлик” ордени соҳиби

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлиги беқиёс. Буни Қорақалпоғистон халқининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга йўналтирилган миллиардлаб маблағлар ва унинг натижасида ҳар бир туман, маҳалла ва кўчада яққол намоён бўлаётган бунёдкорлик ишлари мисолида кўриш мумкин.

Биз илгари тасаввур ҳам қилмаган, қарасанг дўппинг ерга тушиб кетадиган баланд иморатлар қад ростламоқда. Ҳудуддаги энг долзарб ҳисобланган экологик вазиятни яхшилаш борасида “Яшил макон” лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шунингдек, тиббиёт, таълим, адабиёт, маданият ва санъатимизни дунёга танитиш борасида қилинаётган ғамхўрликлар ҳам бисёр. Ўлкамизга инвестициялар киритиш орқали қўшма корхоналар очилиб, саноатимиз ва туризмни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор халқимизни чексиз қувонтирмоқда.

Илк ижодий асарларим “Ёшлигим менинг” номи билан 1978 йили нашр этилган бўлса, 1981 йили “Одилнинг сўзлари” номли ҳикояларим, 1986 йили эса “Песня в три голоса” номи билан рус тилидаги тўпламим босилди. 1988 йили “Совур шамоли”, 1991 йили “Парийзод” номли шеърлар тўпламларимни ўқувчиларимга тақдим этдим. Шунингдек, туркман шоираси Баҳаргул Каримованинг “Ишқ дафтари” шеърлар тўпламининг қорақалпоқ тилидаги таржимаси нашрдан чиқарилди. Сўнг “Ўзингдан”, “Азизим”, “Она” ва “Мангу қўшиғимсан” номли шеърий тўпламларим чоп этилди.

Президентимиз адабиёт ва санъат намояндаларига ҳамиша меҳр ва эҳтиром кўрсатиб келади. Мен ҳам адабиёт соҳасида қилган меҳнатларимга эътибор бериб, “Дўстлик” ордени нишондори бўлишга лойиқ топилганимдан шодланиб, ушбу мукофотга сазовор бўлиш катта бахт ва шараф эканини ич-ичимдан ҳис этмоқдаман. Камина бу эътиборни мен орқали барча қаламдошларимга кўрсатилган эҳтиром деб биламан.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган ушбу мукофот менга янада катта руҳ ва илҳом бағишлайди. Аллоҳ насиб этса, янги Ўзбекистонимиз меҳнаткаш халқининг фидойилигини, эл-юртга бўлган меҳр ва садоқати борасидаги кўнгил туйғуларини тараннум этиш орқали адабиётимиз хазинасини янада бойитишга хизмат қилавераман.



Бандихон:

ҲАДИК ЎРНИНИ ИШОНЧ ВА ҲАЁТДАН РОЗИЛИК ҲИССИ ЭГАЛЛАДИ

Юксалиш палласи

Бандихон — Сурхондарё вилоятидаги энг кенжа туманлардан бири. Ушбу туман давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилиб, уни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури қабул қилинган эди.



Айтиш жоизки, қисқа муддатда туман ҳаёти қайта бунёд этилди. Ҳудудда истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли бандлиги ва харид қобилиятини ошириш ҳамда муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш ишлари жадаллаштирилди.

— Бундан атиги беш йил илгари мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан туман қайта ташкил этилган эди. Тўғриси, ўша пайтда кўпчилик, жумладан, биз, зиёлилар ҳам Бандихон туманининг қайта ташкил этилганидан хурсанд бўлдиг-у, лекин бу ерда аниқ бир ишлаб чиқариш корхоналари йўқлиги, иш билан таъминлаш учун кенг имкониятлар мавжуд эмаслиги руҳимизни бир оз туширарди. Қандай уддаланар экан, туман қандай қилиб ўз иқтисодий кўрсаткичларини яхшилайдию аҳоли учун муносиб яшаш шароитини қай алфозда яратиб бериши мумкин деган ҳадик ва хавотир йўқ эмасди. Мана кўряпсиз, хавотирга ўрин йўқ экан, — дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Сафар Шайдилов. — Бандихон реал ислоҳотлар, ўзгаришлар билан, кенг миқёсли амалий ишлари билан вилоятда ҳам, республикада ҳам етакчи ўринларни эгаллашга ҳаракат қилиб келяпти. Гапнинг пўсткалласи, бугунги Ўзбекистоннинг янги тарихи ёзилаётган пайтда янги Бандихоннинг ҳам шунга ҳамоҳанг жадал тараққиёт даври бошланган.

Туманда сўнгги беш йилда катта ютуқларга эришилди. Бир вақтлар саноқли мактабгача таълим ташкилотлари ёки тўлиқ болаларни қамраб олиш учун мактаблар ҳам йўқ эди. Бюджетдан етарлича маблағ йўналтирилиб, барча ўқувчиларнинг таълим олиши учун имконият яратилди. Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари қуриб берилди. Бугунги кунда мактабларнинг сони 44 тага етган бўлса, мактабгача таълим ташкилотлари 80 дан ортди.



Бор гапки, Бандихоннинг ривожланиш сари юз тутган бугунги тиббиётини ҳам беш йил аввалги ҳолат билан мутлақо таққослаш қийин.

— Сизга ёлғон, бизга чин, Бандихон тумани тиббиёти ҳақида сўз борганда, кечаги муаммолар энди оғриқли хотирага айланди. Биринчи марта туманга ташриф буюрган ёки тумандаги ўзгаришларни ичидан кўрмаган, жонли гувоҳи бўлмаган одам бу ҳудуднинг кечаги кунини умуман тасаввур қилолмайди. Чунки ҳақиқатан жуда катта ўзгаришлар бўлди. 2020 йилда Бандихон тумани аҳолиси 78 минг нафарни ташкил этган. Бандихон марказидаги шифохонадаги ўринлар сони эса атиги 78 та бўлган. Ҳозир бир маҳалланинг ўзида 50-60 ўринли тиббиёт муассасаси фаолият юритяпти. Бу ҳам катта бир ўсишдан дарак беради, — дейди шифокор Одинақул Холматов.

Ҳозирги кунда Бандихон туманида 22 та маҳалла бўлиб, уларда 15 мингдан ортиқ хонадон мавжуд. Оилалар сони 19 мингтани ташкил этиб, 85,3 минг аҳоли истиқомат қилиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида туман марказини тўлиқ ободонлаштириш, меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли ва меҳмонлар учун зарур шарт-шароитларни яратиш устида эътиборга молик ишлар олиб борилди.

— Кўриб, кузатиб турибмиз, туманда барча соҳаларда янгиланишлар, илғор ташаббуслар ҳаётга кенг тарғиб қилиняпти. Бир-биридан чиройли қатор ижтимоий соҳа объектлари барпо этилиб, туманимиз маркази ҳам, маҳаллалари ҳам замонавий ва кўркам бўляпти. Бундан биз, нуронийлар мамнунмиз, — дейди “Нуроний” жамғармаси туман бўлими раиси Қудрат Эшмаматов.

Бандихонга келган билади, бундан атиги беш-олти йиллар олдин йўллар ҳолати ачинарли, йўловчилар таъбири билан айтганда, “борса келмас”дай жойлар эди. Қишда тизза бўйи лой, ёзнинг чанг-тўзони бу манзилдаги аҳолига нотаниш эмас. Бугун бу ерда мутлақо бошқа бир манзарани кўрасиз.



— Туман ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан жорий йилда туман марказидан ўтувчи йўлнинг 5 километрга яқин қисми 744,2 миллион сўмга тубдан янгиланди. 88 дона тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Шунингдек, туман ҳудудидан ўтувчи давлат аҳамиятидаги 19 километр йўл асфальтланди. Шу билан бирга, 15 та маҳалла ҳудудидаги 54 километр ички хўжалик йўлларини таъмирлаш ишлари олиб борилди. Аҳолининг бунёдкорликка иштиёқи билан йўллар равон, кўнгиллар обод бўлиб боряпти, — дейди Бандихон туманини ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Алишер Норбоев.

Очиғини айтиш керак, бир неча йил илгари Бандихон туманида инвестициявий лойиҳа деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Кейинги йилларда туманда бу каби лойиҳалар анчагина жонланди. Ҳозир ҳудудда 12 та лойиҳа ишлаб турибди. Ва бу, ўз навбатида, иқтисодий фаолликни таъминлаяпти. Иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшяпти, туманнинг жозибадорлигини янада оширяпти.

Туман қайта ташкил этилганида вилоят бўйича тадбиркорлик субъектлари сони энг паст кўрсаткичда бўлган. Бугунги кунда тадбиркорлар учун кўплаб қулайликлар яратиб берилмоқда. Сўнгги икки-уч йил ичида эндигина фаолият бошлаган ишбилармонлар ҳам бундан руҳланиб, саъй-ҳаракатларини янада кучайтирмоқда. Ислоҳотлар силсиласида бизнес вакилларининг сони ортиб, улар томонидан шу кунгача 600 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Бандихоннинг аграр ҳудуддан иқтисодий жиҳатдан янада ривожланган манзилга айланиб бораётгани туман аҳолисини хурсанд қилаётгани бор гап.

— Яқинда бунёд этилган 10 минг куб метр сув сақлаш иншооти ёнидаги хонадонлардан бирида яшайман. Бундай йирик сув сақлаш иншооти Сурхондарёда ҳали ягона дейишди. Бугун бизни қувонтираётган бир жиҳат бор. Илгари бир қултум сув муаммо бўлган ҳудудда мана шундай йирик сув иншооти қурилгани аҳоли учун айни муддао, — дейди меҳнат фахрийси Нормамат Бойтўраев. — Ҳақиқатни айтишимиз керак, бандихонликлар сув учун 20-25 чақирим йўл босишига тўғри келган. Бугун уларнинг асрлар давомида сув билан боғлиқ орзу қилган ниятлари ижобат бўлди.

Бандихонда Зевар, Обод юрт, Лимонзор ва Полвонтош каби 4 та оғир тоифадаги маҳаллалар мавжуд. Мазкур ҳудудларда аҳоли томорқа ерларини суғориш инфратузилма объектларини янгилаш учун давлат бюджетидан 5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 1812 хонадон томорқасида сув таъминоти яхшиланди. Полвонтош маҳалласида бетонланган суғориш тармоқлари ҳисобига жорий мавсумда ҳар йилгига нисбатан сув йўқотишлар ҳажми анча қисқариб, камида 20 фоиз обиҳаёт тежалишига эришилди. Илгари сув етиб бориши қийин бўлган майдонларни сув билан таъминлашга имконият яратилди.

Туманда бугунги кунда кузатилаётган иқтисодий ўсиш туфайли камбағаллик даражаси 10,4 фоиздан 7,8 фоизга тушгани ҳам қувонарли ҳол.

Бир сўз билан айтганда, Бандихон нафақат Сурхондарё вилоятида, балки юртимизда ўз иқтисодий салоҳияти билан тобора кўзга ташланаётган туманлар қаторидан жой олмоқда. Бу ерда айни пайтда замонавий, ўзига хос инфратузилма шаклланяпти, саноат ва ишлаб чиқариш ривожланаётган ҳудудлардан бирига айланиб боряпти. Истиқболли режалар эса унинг келажакда янада юксалишидан далолат бермоқда. Бугунги ислоҳотлар моҳиятида имкониятлар билан ташаббуслар бирлашяпти. Бир-бирини тўлдирадиган бу механизмнинг шаклланиши эвазига аҳолининг бугунидан розилиги, эртанги кунга бўлган ишончи янада ортяпти. Бошқача айтганда, халқнинг азалий орзулари рўёбга чиқмоқда.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янгича ёндашувлар

ТЎҚИМАЧИЛИК ФАРҒОНА САНОАТИНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНМОҚДА

Қўштепа туманидаги “Innovative Apparel” МЧЖда қиймати 15 миллион долларлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳанинг йиллик экспорт қиймати 5 миллион долларга тенг.



Шерзод Қорабоев олган суратлар.

Учкўприк туманидаги “Баҳодиров Акбаржон” оилавий корхонаси ташаббуси билан мато бўяш ва пайпоқ ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Қиймати 1,8 миллион долларлик лойиҳа кафолатли иш ўринлари очиш имконини берди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз-ўзидан амалга оширилаётгани йўқ, албатта.

Фарғона вилоятида пахтани бирламчи қайта ишлашдан тайёр ва ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган амалий лойиҳалар кўлами кенгайди. Айни кунда вилоят тўқимачилик саноатида 1271 та (25 та йирик) корхона фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг 81 таси ип-калава, 65 таси газлама, 51 таси трикотаж полотно, 129 таси пайпоқ ишлаб чиқармоқда. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида тўқимачилик маҳсулотларининг саноатдаги улуши 28,5 фоизни, яъни 7,6 триллион сўмни ташкил этди.

Кейинги йилларда тўқимачилик тармоғида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу пахта хомашёсидан тайёр маҳсулотгача бўлган занжирни қамраб олиш, замонавий ишлаб чиқаришдаги лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашга эътиборнинг амалий намунаси сифатида бўй кўрсатмоқда.

Риштон туманидаги “Kosto Line Holding” МЧЖ корхонаси ишга туширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда ўз харидорларига эга. Лойиҳа қиймати 32 миллион доллар бўлган корхонада 20,6 минг тонна ип-калава, мато, момиқ сочиқ, чойшаб кабилар ишлаб чиқариляпти. Йиллик экспорт қиймати 30 миллион доллардан ошди. Германия, Италия, Туркия, Франциядан келтирилган тўқимачилик ускуналарини 600 дан ортиқ маҳаллий йигит-қиз маҳорат билан бошқармоқда. Яна бир муҳим жиҳати, ишлаб чиқаришда энергиятежамкор технологиялар қўлланмоқда. Корхона ҳудудида умумий қуввати 212 киловатт-соатли қуёш панеллари ўрнатилган. Айни кунда корхона фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ ишлар бошлаб юборилган. Бунинг учун 10 миллион доллар йўналтириляпти.

Бир неча йил аввал бундай истиқболли лойиҳа ва ташаббуслар ҳақида гапириш хомхаёл бўлиб кўринган. Чунки асосий эътибор хомашё етиштириш ва бирламчи қайта ишлашдан нарига ўтмаган. Соҳага янги техника ва технологиялар олиб келиш, экин навлари ва агротехникасини ривожлантириш билан боғлиқ ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Энди бу борадаги қарашлар, имкониятлар ўзгарди. Тўқимачилик иқтисодиётнинг драйверига айланиб бормоқда. Деҳқончиликка илм, замонавий техника, технологиялар кириб келди, манфаатдорлик ошди, ўзаро рақобат муҳити шаклланди.

— Жорий йил 13 август куни Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда тўқимачилик соҳасида экспорт имкониятларини ошириш, фойдаланилмаган захираларни ишга солиш, соҳа ишбилармонларига янги шароитлар яратиш ва имтиёзлар бериш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар бу борада янги имконият эшикларини очмоқда, — дейди Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Нуриддин Мамажонов. — Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хомашёси юқори сифати, пишиқлиги ҳамда замонавий тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб бериши билан жаҳонда машҳур. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш билан бирга маҳаллий хомашёлардан қўшилган қиймат занжирини яратиш бугуннинг устувор вазифасидир. Ўтган йилнинг ўзида шу мақсадга хизмат қиладиган 462 та истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Экспортёр агрокластер ҳамда фермер хўжаликлари томонидан 315 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспорт қилинди. Бу аввалги йилларга қиёслаганда 1,5 баробар кўп. Уч-тўрт йил олдин пахтани ип-калавага айлантириш ҳажми 100 фоизни ташкил этган бўлса-да, ипдан кейинги босқич 5 фоиздан ошмаган. Жорий йил якунига кўра, вилоятимизда мато ишлаб чиқариш кўрсаткичи 127, бўяш 29 ва маҳсулот тайёрлаш 39 фоизга етади. Йил якунига қадар имкониятлардан келиб чиқиб, тўқимачилик саноатида қиймати 518 миллион долларлик 187 та лойиҳа амалга оширилади. Бу оддий рақам эмас. Унинг замирида минглаб иш ўринлари очиш, логистика билан боғлиқ бунёдкорлик ишлари мужассам.

Фурқат туманида хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда “Furqat in tex” МЧЖнинг ип-калава ишлаб чиқариш бўйича қиймати 20 миллион долларлик лойиҳаси амалга оширилиши ҳисобига 500 та юқори даромадли иш ўрни очилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 50 фоизи экспортга йўналтирилади. Шунингдек, Марғилон шаҳридаги “Textile Group Andgold” МЧЖда қиймати 2 миллион долларлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси йўлга қўйилиши ҳисобига йилига 30 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Йиллик экспорт қиймати 2 миллион долларга тенг.

“Izmir innovation textile 777” корхонаси томонидан сунъий ипдан мато, “Tim Textile Co” МЧЖда трикотаж матолар ишлаб чиқариш ва бўяш лойиҳаси доирасида 6 минг тонна трикотаж мато тайёрланиб, юқори даромадли 300 та иш ўрни очилади. Натижада тўқимачилик маҳсулотларининг йиллик экспорти қиймати 400 миллион доллардан ошади. Бу ютуқлар замирида, энг аввало, бозорни эркинлаштириш, соҳада бюрократик тўсиқларга барҳам бериш, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлар мужассам.

— Пахта етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб олган ташаббуслар кўлами кундан кунга кенгайиб бормоқда, — дейди Олтиариқ туманидаги “Hamza ekspo tekstil” МЧЖ кластер хўжалиги раҳбари ўринбосари Илҳомжон Обидов. — Айни кунга қадар йилига 35 минг тонна пахтани тозалаш заводи, янги йигирув, тикув цехлари очилди. Матоларга ранг бериш лойиҳасини амалга оширяпмиз. Бу хомашёни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш ва экспортга йўналтириш, аҳоли бандлигини таъминлашда янги имкониятлар беради. Масалан, пахта толасидан бир кило оддий ип ишлаб чиқарилса, нархи бир доллар бўлади. Тайёр маҳсулот шаклида эса қиймати тўрт-беш ҳисса ортади. Муҳими, хомашё эмас, тайёр маҳсулотларни бозорга чиқаряпмиз.

Дастлаб ип йигирув ва тўқимачилик йўналишида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхонада бугунга келиб, пахтани чигитдан ажратиш, ип йигириш, тўқиш ва тикиш билан боғлиқ мустаҳкам занжир яратилиб, 800 дан ортиқ янги иш ўрни очилди. Уларга асосан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари жойлаштирилди.

— Тикувчилик малакасига эгаман. Аммо қишлоғимизда ишлаб чиқариш корхонаси йўқлиги учун ишсиз хотин-қизлар рўйхатида турганман, — дейди Шоҳиста Хонкелдиева. — “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари кластер ҳузурида очилган янги тикувчилик цехига ишга таклиф қилди. Рози бўлдим. Меҳнатимизга яраша даромад топяпмиз. Бепул иссиқ овқат билан таъминланяпмиз. Ишга келиб-кетиш учун транспорт хизмати бор.

Маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқарилаётган бежирим чойшаблар, хўжалик сумкаларига талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисми қўшни мамлакатлардан ташқари Польша, Германия ва Россияга жўнатилмоқда. Польша ва Россияда корхонанинг савдо уйлари очилгани халқаро бозордаги имкониятларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

— Президентимиз пахта кластерлари учун ҳар жиҳатдан янги имконият ва қулайликлар яратиб бермоқда, — дейди Данғара туманидаги “Musavartex” МЧЖ шаклидаги пахта-тўқимачилик кластери раҳбари Фарҳоджон Бўлатов. — Кластерларга 2022-2023 йиллар ҳосили учун берилган кредит бўйича 1 август ҳолатига кўра юзага келган пенядан воз кечилди. Тижорат кредитидан мажбурияти бор бўлган корхоналарни соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Фаолиятини барқарорлаштириши мумкин бўлган корхоналарнинг кредит муддати 7 йилгача узайтириб берилаётгани соҳа ривожида муҳим қадам бўлди. Пахтани ўз вақтида, нобуд қилмай териб олиш учун фермерларга тоннасига 1 миллион сўмдан субсидия берилаётгани, корхоналар ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштирса ёки харид қилса, хомашё қийматининг 10 фоизи қопланиши ҳамда тез кунларда тўқимачиликда “ишончли экспортчи” дастури бошланиб, экспорт олди молиялаш тизими йўлга қўйилиши ҳамда тўқимачиликда “долзарб юз кунлик” эълон қилингани катта имкониятдир. Энди тўқимачилик занжиридаги барча корхона учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланади. Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тола, ип-калава ва мато ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ҳам солиқни енгиллаштириш бўйича таклиф киритиш топширилди. Ишчи-ходимларининг фарзандлари учун боғча очган тўқимачилик корхоналарига ҳар бир тарбияланувчига субсидия ажратилади. Хомашё қанча кўп ва сифати юқори бўлса, манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлади. Ҳозирга қадар пахтани қайта ишлаш, ип йигирув ва момиқ сочиқлар ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга туширдик. Пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқариш йўналишида лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Бу дунё бозорига хомашё эмас, тайёр маҳсулот етказиб бериш имконини яратмоқда.

Тўқимачилик корхоналари деганда, аввалари шовқин-сурон, атрофи чанг-тўзондан иборат манзара кўз ўнгимизда гавдаланарди. Бу ерда ишлаб чиқарилган пахта толаларининг асосий қисми темир йўл орқали ўзга юртларга олиб кетилган. Эгатлар оралаб йил давомида меҳнат қилган деҳқонлар ҳеч қандай манфаат топмаган. Бугун бу борадаги ҳолат, манзара ўзгача. Қуёшли она заминимизда пишиб етилган сархил ҳосил шу ерда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида ички ва ташқи бозорга сотиляпти. Бу йўналишларни қамраб олган янгидан янги ишлаб чиқариш корхоналари бўй кўрсатмоқда. Бир маромда, юқори унум билан ишлаётган дастгоҳлар, ишидан мамнун маҳоратли ишчи-хизматчилар Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик саноатининг ёрқин истиқболидан сўзлайди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ифтихор

Бугун кашфиётлар, янгиликлар, илм-фандаги ўзгаришлар одамларни аввалгидек ҳайратлантирмай қўйди. Аксинча, шундай бўлиши керакдек қабул қилаётирмиз. Мактаб партасида ўтириб, бир пайтнинг ўзида дунёнинг бир қанча нуфузли олийгоҳларига ўқишга қабул қилинаётган йигит-қизлар муваффақияти ҳам янги авлод вакилларидан кутиладиган табиий натижа бўлиб қолди. Зеро, бугун бунга шароит ҳам, имкон ҳам бор. Қолаверса, ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилгани таълимнинг ўрта бўғини имкониятларини кўрсатиш баробарида ёшларни олий таълим босқичига руҳлантирадиган кўприк вазифасини ҳам ўтаяпти.



ОЛИЙ ТАЪЛИМГА КИРИШДА ЮЗ ФОИЗлик НАТИЖА

БУНГА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР ОРҚАЛИ ЭРИШИШ МУМКИН?

Мамлакат миқёсида фаолият юритаётган 182 та ихтисослаштирилган мактаб орасида Навоий шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўзига хос ўрин тутади. 2022 йилдан фаолият бошлаган бу таълим даргоҳининг педагог-ходимлари ва ўқувчилари қисқа муддатда ўзининг билими ва салоҳияти, иқтидорини намойиш этиб, кўплаб ютуқларга эришиб келяпти. Айни пайтда мактабда 50 га яқин педагог 450 дан ортиқ ўқувчига таълим-тарбия беряпти. Ўқитувчиларнинг 37 нафари олий тоифали, 39 нафари миллий ва халқаро сертификатга эга. Тўғри, бугун таълим жараёнига илғор хорижий тажриба, электрон дарсликлар, рақамли технологиялар жорий қилинаётгани ўқувчиларнинг замонга мос илм олишига кенг имконият яратяпти. Бироқ замонавий педагогик технологиялардан фойдалана олиш учун ҳам муаллим замон билан ҳамнафас бўлиши керак. Шу билан бирга, ўқувчи эътиборини торта олиш маҳорати етарли бўлиши даркор. Ихтисослаштирилган мактаб-интернатдаги таълим жараёнида айни жиҳатларга жиддий ёндашилади. Шу боис, яқинда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилингач, мактаб-интернат битирувчиларининг муваффақияти жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Таълим муассасасининг барча битирувчиси ОТМларга ўқишга қабул қилинди. Ўқувчиларнинг 42 нафари давлат гранти, 18 нафари шартнома асосида нуфузли олийгоҳларда таҳсил олади.

— Мен жуда бахтиёр отаман, — дейди навоийлик Хуршид Қурбонов. — Сабаби иккинчи фарзандим Анвар Қурбонов ушбу мактаб-интернатни олтин медаль билан тугатиб, муддатидан олдин талаба бўлди. Бунинг замирида мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишдаги дадил қадамлар турибди. Ўзим педагог бўлганим учун бу натижага эришиш йўлида устозлари қанчалик меҳнат қилгани, заҳмат чекканини яхши биламан.

Илм эгаллаш игна билан қудуқ қазишга тенглаштирилар экан, илм ўргатиш машаққати ҳам ундан кам бўлмайди. Ўз устида тинимсиз ишлаш, фаолиятининг янги қирраларини намоён этиш педагог касбий ривожланишининг муҳим омилидир. Жорий йилда ўқитувчилар ўртасида физика ва кимё фанлари бўйича ўтказилган олимпиадада 1-ўринни эгаллаган кимё фани ўқитувчиси Дилшод Норқулов, фахрий ўринларни қўлга киритган физика фани ўқитувчилари Бобуржон Ҳалимов, Жаҳонгир Холмўминовни изланувчан педагоглар сирасига киритиш мумкин. Устозларининг ўгити, кўрсатмаларига амал қилган ўқувчилар ҳам турли танлов ва олимпиадаларда юқори натижаларга эришиб келмоқда.

Мактаб-интернат директори Одил Норовнинг айтишича, 2024/2025 ўқув йилида муассаса ўқувчилари 248 та миллий ва халқаро сертификатни қўлга киритган. Муддатидан олдин талабалар сафига қабул қилинган битирувчиларнинг 11 нафари энг юқори (189) баллни тўплади. Дилнура Нарзуллаева, Жавоҳир Ихтиёров, Анвар Қурбонов, Амирхон Тоҳиров, Фахриддин Яхшибоев чет элнинг нуфузли олий таълим муассасалари грантини қўлга киритгани, “Янги Ўзбекистон” университетига муддатидан аввал ўқишга қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

* * *

Гулистон туман ихтисослаштирилган мактаб-интернати 315 ўқувчи ўрнига мўлжалланган. 200 ўринли ётоқхона ҳамда 150 ўринли ошхона билимдонлар хизматида. Дарслар 8:00 дан 17:00 гача давом этади. Ўқишдан сўнг болалар фан, спорт, китобхонлик тўгаракларида бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва билимини мустаҳкамлаши учун зарур шароит яратилган.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

2021 йилда Навоий вилояти ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармаси “Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига 30 та мактаб” шиори остида 30 та умумтаълим мактабидаги битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига тўлиқ ўқишга киришини таъминлаш ташаббуси билан чиққанди. Ўша йили 30 та мактабнинг ҳамма битирувчиси тўлиқ олий таълим муассасаларига қабул қилинган. Ажабмаски, мустақилликнинг 35 йиллигига 35 та мактаб шундай натижа кўрсатса...

Жорий ўқув йили мактаб-интернат учун омадли келди. Мана, учинчи йилдирки, таълим муассасаси битирувчиларининг олийгоҳга кириш кўрсаткичи 100 фоизни ташкил этяпти. Бу йил талабалик мақомига эришган 42 ўқувчининг 35 нафари давлат гранти, 7 нафари тўлов-контракт асосида олий таълим олиш имконига эга бўлди. Биргина Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига 12 ўқувчининг грант асосида ўқишга қабул қилингани қувонарли натижа, албатта. Гулистон туман ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси Шоҳрух Комилжонов АҚШнинг нуфузли олийгоҳларидан бирига ўқишга кирди.

Мактаб-интернатнинг битирувчи бўлмаган ўқувчилари ҳам бу йил рекорд натижаларни қўлга киритди. Маҳаллий ва халқаро фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллади. Танловлар ҳамда маданий тадбирларда ҳам мактаб алоҳида эътироф этилди. Қисқаси, малакали 32 ўқитувчисининг тажрибаси ва маҳорати ўқувчиларининг қатор муваффақиятларида акс этди.

— Самарадорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Ўқувчиларимизга дарсдан кейинги машғулотларда ҳар бир мавзу юзасидан чуқурлаштирилган билим берилади. Ўзлаштирилган дарслар таҳлил қилинади. Ўқувчилар ўзи имтиҳон топширадиган фанлардан тест орқали синалади, — дейди мактаб директори Ғолиб Бозоров.

* * *

Умумтаълим тизимида Қоракўл тажрибаси минглаб ота-оналар ишончини қозоняпти. Шунинг учун ҳам бу ҳудуднинг ўзига хос тажрибаси бутун республикамиз бўйлаб оммалашяпти. Бухоро давлат университети Қоракўл академик лицейини бу йил тамомлаган 201 ўқувчининг барчаси ОТМга қабул қилингани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Битирувчиларнинг 191 нафари давлат гранти (95 фоиз), 10 нафари тўлов шартномаси (5 фоиз) асосида талабаликка тавсия этилди. Лицейдаги ўқитувчиларнинг малакасию тажрибаси ҳақида айтмасак ҳам барчага кундек равшан. Аввало, “устоз-шогирд” анъаналари ҳавас қилса арзигулик даражада. Педагоглар “Нажот — фақат таълимда” шиорини маҳкам тутган. Билимга чанқоқ ўқувчилар эса устозлар меҳридан куч олади. Моддий-техник имкониятлар ҳам рисоладагидек. Фан хоналари замон талабига монанд жиҳозланган, керакли кўргазмаю ўқув қуроллари, техникалар билан таъминланган.

Қоракўл академик лицейи директори Ғолиб Жумақулов ўқувчиларнинг юқори натижалари ҳақида фикр билдирар экан, битирувчиларнинг 95 фоизига давлат гранти насиб қилганидан ғоят хурсандлигини алоҳида таъкидлади.

— Мана шу ўқувчиларнинг барчаси ўқув йили давомида миллий ва халқаро сертификатларни қўлга киритди, фан олимпиадаларида фаоллик кўрсатиб, фахрли ўринларни эгаллади, — дейди Ғолиб Жумақулов. — Бу борада ота-оналар ҳам устозлар билан ҳаммаслак, ҳамфикр бўлиб, фарзандининг келажаги учун ҳар қандай синовга елка тутди. Бу эса ўз мевасини берди. Талабалик остонасида турган ўқувчиларимизга таълимнинг эндиги босқичида бундан-да улкан ютуқларни тилаймиз. Улар олий маълумотни ҳам мана шундай чанқоқлик билан олса, албатта, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган етук кадрларга айланади.

* * *

Халқимизнинг эртанги куни бугун фарзандларимизнинг қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ экан, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолаверади. Уларни ечишда мақолада келтирилган мактаблар тажрибасини намуна қилиш мумкин. Муваффақиятлар замирида эса, албатта, эзгу ният мужассам бўлади. Юзни сўрасак ўнни, ўнни сўрасак, бирни қўлга киритишимизда ҳам ҳикмат бор. Буни ҳаётий мисоллар кўрсатиб турибди. Шундай экан, юртимиздаги барча мактаб битирувчиларининг олийгоҳга кириш кўрсаткичи юз фоиз бўлишини тилаймиз. Ажабмаски, келгуси йили бошқа мактаблар ҳам шу натижага эришиб, тилагимиз ижобат бўлса...

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

УЗОҚДАГИ ОРЗУ ЭМАС, БУГУННИНГ ҲАҚИҚАТИ

Камолот пиллапоясларида

XXI аср дунёга янги тартибларни олиб кирди. Бугун давлатларнинг куч-қудрати нафақат табиий бойликлар ёки саноат имкониятлари, балки ақлий салоҳият, янги ғоялар ва билимли инсонлар билан ўлчанмоқда. Шу аснода фақат хомашёга асосланган эски иқтисодий моделлар ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Замон билан ҳамнафас бўла олмаган мамлакатлар эса глобал тараққиётдан ортда қолиши муқаррар. Тўртинчи саноат инқилоби даврида рақамли технологияларни яхши ўзлаштирган, дунё миқёсида фикрлай оладиган ва янгиликлар яратадиган авлодгина мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Айнан шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг энг тўғри йўли сифатида ёшларнинг билимига сармоя киритиш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни танлади. Бу шунчаки иқтисодий ўсишга эришиш эмас, балки XXI асрда мамлакатнинг рақобатбардошлиги ва мустақил тараққиёт йўлини таъминлашга қаратилган жуда муҳим қарашдир. Буни, шунингдек, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга қаратилган энг асосий ғоя деб атаса бўлади.

Танлов натижаларини бугун ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида яққол кўриш мумкин. Президентимизнинг жорий йил Ёшлар кунига бағишланган учрашувдаги нутқи бу борадаги ишлар юксак самара бераётганини яна бир бор кўрсатди.

Мамлакатимиз ёшларининг энг нуфузли олийгоҳларга ўқишга кираётгани бунинг ёркин далилидир. Ўтган йилнинг ўзида юртимиз ёшлари дунёнинг энг етакчи 500 олийгоҳига ўқишга кириш бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади. Энг муҳими, билимли йигит-қизларимиз илк бор жаҳоннинг энг илғор 5 та олийгоҳига ўқишга кириб, тарихий натижани қайд этди. Бу интеллектуал тўлқин мамлакатда яратилган янги таълим тизимининг самарадорлигини кўрсатади. Мана шу ёшлар эртага юқори малакали кадрлар сифатида юртимизга қайтиб, ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Бугун ўзбекистонлик 30 йигит-қиз дунёнинг энг етакчи 10 та университетида, 500 нафари кучли 100 таликка кирган ва 1500 нафари етакчи 300 таликдан жой олган нуфузли таълим даргоҳларида таҳсил олмоқда. Бу ютуқлар ислоҳотларнинг аввалида асос солинган ва бугун ўз мевасини бераётган “илм — тарбия — инновация” занжирининг табиий натижасидир. Мамлакатимиз олийгоҳларида айнан шу қоида асосида таълим берилаётгани туфайли ёшлар нафақат чуқур билим ва замонавий кўникмалар, балки юксак одобахлоқ руҳида тарбияланмоқда. Улар ўрганган билимини фойдали лойиҳаларга айлантириб, Ватан ривожига ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

Билимли авлод кучли иқтисодиётнинг мустаҳкам пойдеворидир. Бу ҳақиқатнинг энг ёрқин исботини бугун тез ривожланаётган ахборот технологиялари соҳасида кўришимиз мумкин. Бир неча йил олдин фақат пойтахтда бўлган ахборот технологиялари марказлари бугун АТ парк кўринишида бутун мамлакат бўйлаб, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам очилиб, 1400 дан ортиқ компанияни бирлаштирди. Мазкур имкониятларнинг марказдан ҳудудларга ҳам кўчиши иқтидорли ёшларнинг ўз вилоятида туриб муваффақиятли карьера қуришини таъминламоқда. Булар шунчаки иш ўринлари эмас, балки муносиб ҳаёт кечириш ва доимий ривожланиш имконини берадиган келажак касбларидир. Компаниялар сонининг қисқа вақтда юксак даражада ўсиши, ўз навбатида, ўн минглаб янги, маоши яхши ва энг муҳими, ақлий меҳнатга асосланган иш ўринлари яратилганини билдиради. Эътиборлиси, бу иш ўринларида халқаро талабларга бемалол жавоб бера оладиган ёшларимиз ишламоқда. Натижада АТ хизматлар экспорти кескин ўсиб, 2024 йилда 1 миллиард долларга яқинлашди. Бу рақам Ўзбекистоннинг жаҳон АТ бозорида ўз ўрнига эга бўлаётганини кўрсатади.

Бундай катта ютуқлар ортида тасодиф эмас, балки пухта ўйланган ва тизимли давлат сиёсати мужассам. “Бир миллион ўзбек дастурчиси” каби лойиҳалар ёшлар орасида дастурлашни ўрганишни оммалаштираётган бўлса, турли стартаплар тадбиркорлик билан шуғулланишга катта туртки бермоқда. Лойиҳалар ёшларда жамоада ишлаш, муаммоларни ҳал қилиш ва танқидий фикрлаш каби муҳим кўникмаларни ҳам шакллантиради. Бу ўринда олий таълим тизимидаги ўзгаришларнинг ўрни жуда муҳим. Бугунги университетлар энди шунчаки ўқитадиган ва диплом берадиган даргоҳ эмас. Улар таълим, илм-фан ва янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишни бирлаштирган йирик марказларга айланмоқда. Бу эса назария ва амалиёт ўртасидаги тафовутни йўқотиб, ҳар бир битирувчининг ишга тайёр мутахассис бўлиб етишишига ёрдам беради. Олийгоҳлар ҳузуридаги қўллаб-қувватлаш тизимлари эса энг иқтидорли талабаларнинг ғояларини ҳақиқий бизнесга айлантириш, уларга сармоядор топиш ва компанияларини очишда кўмаклашмоқда.

Кучли АТ мутахассисини тайёрлаш фақат олийгоҳ доирасида чекланмайди. Бу узлуксиз жараён бўлиб, пойдевори мактабда қўйилиши керак. Чунки дастурлаш ва рақамли технологияларга қизиқиш айнан мактаб даврида уйғонади ва мустаҳкамланади. Шу мақсадда ОТМларнинг мактаблар, айниқса, ихтисослаштирилган ўқув муассасалари билан ҳамкорлигини кучайтириш жуда муҳим. Олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг мактаб ўқув дастурларини такомиллаштиришда қатнашиши, мунтазам маҳорат дарслари ўтиши, иқтидорли ўқувчиларни университетлар ҳузуридаги тўгаракларга жалб қилиши энг самарали йўлдир.



Дунё билан ҳамнафас бўлиш бугун жуда муҳим. Рақобатбардош таълим муҳитини яратиш учун нафақат ўзимизнинг ёшларни чет элга ўқишга юбориш, балки хорижлик талабалар ва кучли ўқитувчиларни юртимизга жалб қилиш ҳам керак. Хорижий университетлар билан қўшма таълим дастурларини кўпайтириш, чет тилидаги дарслар сонини ошириш яхши натижа беради. Бундай муҳитда маҳаллий талабалар дунёнинг энг илғор билимлари ва маданиятлари билан бевосита танишиш имконига эга бўлади. Бу ишлар халқаро илмий ҳамжамият билан алоқаларни яхшилаш, университетларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини юксалтириш ва энг муҳими, талабалар учун соғлом рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади. Мамлакатда АТ соҳаси учун яратилган қулай шароит уни бутун дунёдан келган “рақамли кўчманчилар” (яъни масофадан ишлайдиган мутахассислар) учун ҳам жозибадор ҳудудга айлантирмоқда.

Бу жараён рақамли технологияларнинг нафақат иқтисодиётга, балки ижтимоий ҳаётга ҳам чуқур кириб боришини таъминламоқда. Масалан, банк-молия соҳасидаги катта ўзгаришларни олайлик. QR-кодли тўловлар, онлайн кредит бериш ва масофадан туриб шахсни аниқлаш каби технологиялар туфайли 2024 йилда онлайн тўловлар суммаси 700 триллион сўмдан ошди. Айни рақамлар ортида вақт тежалиши, хизматлар сифати ошиши ва миллионлаб инсон учун яратилган қулайликлар мужассам. Бу шунчаки қулайлик эмас, балки яширин пул айланмасининг камайиши, молиявий ишларнинг очиқ-ойдин бўлиши ва аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга хизмат қилаётган кучли омилдир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси эса ёшларнинг таътил вақтини мазмунли ўтказиши учун ажойиб тажриба бўлди. Илгари ёзги таътилда бўш вақтини бекор ўтказадиган ёшлар энди махсус ташкил этилган оромгоҳлар, маданий марказлар ва корхоналарда ўз билимини амалда синаб кўради. Улар нафақат касбий кўникма орттирди, балки келажакда қайси соҳада ишлашни аниқ белгилаб олиш имкониятига эга бўлди. Олий таълим муассасалари ҳам бу ишга фаол қўшилиб, минглаб ёшларга ҳақиқий лойиҳалар устида ишлаш тажрибасини тақдим этди. Бу ёш мутахассиснинг ўқишни битириб, ишга борганида назария ва амалиётни уйғунлаштиришда қийналмаслигини таъминлайди.

Рақамлаштиришнинг фойдаси электрон давлат хизматларида ҳам яққол кўринмоқда. Хизматлар сонининг 3 баробар ортиши ва аҳолининг 80 фоизи улардан фойдаланаётгани фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар очиқ ва самарали, бутунлай янги босқичга чиққанидан далолат беради. Ушбу рақамли трансформация бюрократия ва коррупцияга қарши курашнинг энг самарали воситаларидан. Рақамлаштирилган ҳар бир хизмат қонун олдида барча баробар бўлган адолатли жамият сари қўйилган қадамдир. Энди оддий фуқаро арзимаган маълумотнома учун идорама-идора югуриб юрмайди, оворагарчилик ва порахўрликка дуч келмайди. Бу ўзгаришлар одамларнинг давлат, адолат ва ислоҳотлар натижасига ишончини янада мустаҳкамлайди.

Ютуқлар замирида, шубҳасиз, давлат томонидан яратилган пухта ва самарали ёрдам тизими турибди. АТ парк аъзолари учун жорий этилган солиқ имтиёзлари ва бошқа қулайликлар Ўзбекистонни минтақадаги энг жозибали АТ хабга айлантирмоқда. Қулай бизнес муҳити иқтидорли ёшларнинг ўз ватанида қолиб, халқаро миқёсдаги лойиҳаларни амалга оширишига замин яратмоқда. Бу нафақат маҳаллий компанияларнинг ривожланишига, балки дунёга машҳур йирик компанияларнинг ҳам мамлакатга кириб келиши, ўз офисларини очиб, ёшлар учун янги иш ўринларини яратишига туртки бермоқда. Натижада ёшлар ўртасида соғлом рақобат кучайиб, улар ўз устида тинимсиз ишлаш, энг янги технологияларни ўрганишга интилмоқда. Жамиятда ҳам фикр ўзгарди: бугун дастурчи, АТ муҳандис ёки стартап асосчиси бўлиш энг обрўли ва келажаги порлоқ касблардан бирига айланди.



Шунингдек, рақамли технологиялар қишлоқ хўжалиги, транспорт, тиббиёт каби соҳаларга ҳам янги руҳ бағишламоқда. Қишлоқ хўжалигида дронлар ёрдамида ҳосилни таҳлил қилиш, “ақлли” суғориш тизимлари орқали сувни тежаш, транспортда юк ташишни оптималлаштириш каби янгиликлар маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Бу инновациялар нафақат иқтисодий самара беради, балки табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ҳам катта ҳисса қўшади. Таълимда масофавий технологиялар чекка ҳудудлардаги ёшларга ҳам пойтахтдаги энг кучли ўқитувчиларнинг дарсларини кўриш имконини берса, тиббиётдаги янги тизимлар малакали шифокор маслаҳатини энг олис қишлоқларга ҳам етказиб бермоқда. Буларнинг барчаси ёш дастурчилар, муҳандислар ва лойиҳа бошқарувчиларининг тинимсиз меҳнати натижасидир.

Олдинда турган вазифалар янада кенг қамровли. Галдаги мақсад нафақат дастурчилар, балки сунъий интеллект, катта маълумотларни таҳлил қилиш, киберхавфсизлик, блокчейн каби энг мураккаб ва келажаги буюк йўналишларда халқаро талабларга жавоб берадиган, янгича фикрлайдиган кадрлар авлодини тайёрлашни янада кучайтиришдир. Ушбу соҳалар келажак иқтисодиётининг асосини ташкил этишини ҳисобга олсак, бугунги сармоя эртанги глобал етакчилик учун пойдевор бўлади. Ёшларнинг халқаро майдондаги ютуқлари, уларнинг кўзидаги ишонч эса мақсадларига эришиш учун мустаҳкам замин яратади.

Янги Ўзбекистон ўз келажагини ер остидаги бойликларда эмас, балки университет аудиториялари, технопарк лабораторияларида ва ёш ихтирочиларнинг қалбидаги умид учқунларида кўрмоқда. Бу энг тўғри ва узоқни кўзлаган тарихий қарордир. Зеро, ҳар қандай табиий бойлик бир кун тугаши мумкин, аммо инсон ақлининг, билим ва ижодий салоҳиятининг чегараси йўқ. Учинчи Ренессанс узоқдаги орзу эмас, балки ҳар бир ўқув хонаси, ҳар бир АТ маркази, ҳар бир стартапда ҳозирнинг ўзида қурилаётган ҳақиқатдир. Бугуннинг асосий вазифаси ана шу чексиз имкониятни рўёбга чиқариш учун ёшларга барча шароитни яратиб бериш, уларни доимо қўллаб-қувватлашдир. Ишончимиз комилки, бугунги шижоатли ва ватанпарвар авлод ўз билими, иқтидори ва Ватанга муҳаббати билан Учинчи Ренессанснинг ҳақиқий бунёдкорларига айланади.

Шавкат ТЎРАЕВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети проректори,

Ортиқ РЎЗИБОЕВ,
техника фанлари номзоди, доцент

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

“БЎЙНИМГА ЮКЛАНГАН ВАЗИФАНИ ТЎҒРИЛИК БИЛАН АДО ҚИЛДИМ”

90 ЙИЛДА ОҚЛАНГАН ТУРОББЕК ТЎРАБЕКОВ ҚИСМАТИ

Баҳром ИРЗАЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи бош илмий ходими

Туроббек Тўрабеков 1898 йил Зоминнинг Аччиқ қишлоғида ўзига тўқ деҳқон оиласида туғилган. Аввал эски мактабда, кейин 5 йиллик рус-тузем мактабида таълим олган. Шундан сўнг 1917 йил февралгача Зомин приставида тилмоч бўлиб ишлайди. Октябрь инқилобидан сўнг 1919 йилгача Қоратош волос ижроқўмида раис бўлди. Кейин у Жиззах угорижроқўмига сайланади. Тўрт ой ўтиб эса Жиззах угормилицияда милиция бошлиқлигига тайинланади.



Туроббек Тўрабеков 1921 йил октябрдан Самарқанд ЧКга ишга олинади. Шундан сўнг Жиззах ВЧК раҳбарлигига тайинланади. 1922 йил баҳорида Самарқанддан Фарғонага кетаётган турк офицери Савурбей афанди Муҳиддин Хўжаевнинг уйида бир кеча меҳмон бўлади. Шу муносабат билан бўлган йиғинда Савурбей советларнинг қизил мустамлакачилик сиёсати ва Туркистонда “босмачиликка қарши кураш” баҳонасида амалга ошираётган қонли хунрезликлари ҳақида сўзлаб беради. Улар “босмачи” деб аслида миллат ва дин учун Туркистон озодлиги йўлида қизил босқинчиларга қарши чиққан ҳар қандай инсон йўқ қилинаётганини айтади. Суҳбатдан даҳшатга тушган Туроббек “Унда яқинда ҳаммамиз “босмачи” бўламиз”, деб қичқириб юборади.

1922 йил май ойида совет ҳукуматининг тили бошқа, иши бошқа сиёсатидан норози бўлган Туроббек Тўрабеков Жиззах угормилиция бошлиғи Маъмур Йўлдошев, Жиззах волосижроқўми раиси Абдулкарим Жонсўфиев — жами 10 йигит қуроллари билан миллий истиқлол курашчилари сафига ўтиб кетади. Улар Сангзорда самарқандлик Очилбек билан учрашади. Бу пайтда Зарафшон водийсида Очилбек, Ҳамроқулбек, Матчо беклари ҳамда Ўратепада Холбўтабек қизил аскарларга қарши жанг қиларди. Т.Тўрабеков, М.Йўлдошев, А.Жонсўфиев 1923 йилгача 200 йигит билан истиқлолчилар сафида большевикларга қарши курашади. Уларга Анвар пошшонинг йигитларидан Юсуф Зиёбей, Заки Валидий Тўғон — 5-6 нафар татар ҳарбийси маслаҳатчи эди. Бироқ истиқлолчилар қизил аскарлар билан жангларда муттасил катта қурбонлар бера бошлади. Истиқлол курашининг айрим етакчилари шўролар билан келишиб, кафолат хатлари олади. Туроббекнинг юборган хатини Холбўтабек ҳам инкор этади. Шундай бир оғир шароитда йигитлар Афғонистонга чекинишга қарор қилади. Шу вақтда Тошкентдан Эшонжон ҳазрат “Миллий иттиҳод” ташкилоти номидан Туроббекка хат йўллаб, муфти Садриддинхонни Афғонистонга безарар етказиш вазифасини топширади. Муфти Садриддинхон шогирди таниқли олим Фотиҳ Каримийнинг укаси Ориф Каримий билан келиб қўшилади. Садриддинхон Афғонистон орқали Ҳиндистонга ўтиб, у ердаги мадрасаларга бориб жойлашишини айтади. Улар муфти Садриддинхон, Сомеъ пошшо, Абдукарим Жонсўфиев — жами 150 киши Қоратегингача пиёда бориб, ундан Кўлоб томонга йўл олади.

Туроббек Тўрабеков Кўлоб йўлида учтўрт кун қолиб, ортидан келаётган акалари ва дўсти Маъмур Йўлдошев, жами 12 кишини кутиб олди. Улар бир ой деганда, Рустак, Хонобод орқали Афғонистонга кириб боради. Сомеъ пошшо Афғонистондаги Туркия консуллиги орқали бир миқдор пул олиб, ҳамманинг безиён Эронга ўтишига эришади. Туроббек Машҳадга бориб, 1927 йилгача турли ишлар билан машғул бўлди. Муфти Садриддинхоннинг олдига тез-тез бориб, аҳволидан хабар олиб турарди. Акаси Ҳазратқул Сарахсда Абдулла Сориев деган кишининг хизматига кириб ошпазлик қилади. Туроббек Тўрабеков ватандошлар билан алоқани ушлаш учун шаҳарда этикдўзлик, саҳрода туркман туякашларига ёзарлик (мирзалик) қилади. Ҳатто муфти Садриддинхоннинг сўрови билан 1927 йил март ойида махфий тарзда ватанга қайтиб, бир муддат яшагач, яна Эронга боради. Туроббек Туркистонда кўрган-кечирганлари тўғрисидаги ёзувларини Заки Валидий Тўғон ҳамда Мустафо Чўқайга юборади. Унинг ахбороти “Янги Туркистон” газетасининг 1927 йил 5-6-сонида мақола сифатида чоп этилади ва унда советларнинг барча кирдикорлари фош қилинган эди. Берлиндан Истанбулга келган Аҳмад Закий Валидий Туроббекка бир неча бор хат йўллаб, Европага бориб Мустафо Чўқай билан Туркистон истиқлоли масаласини Миллатлар лигасига олиб чиқишда ёрдам беришини сўрайди. Бироқ шу кунларда қишлоқдоши мулла Абдураҳмон Бойқўзиевнинг ёлғон билан тўла хати Туроббек Тўрабековга етиб боради. Унда қизил аскарлар томонидан қанча болалар ва аёл-қизлар қамоққа олингани, агар қишлоққа қайтмаса, ҳаммасини қатл этишлари битилган эди. Туроббек дўстлари билан розилашиб, Ватанга қайтишини маълум қилади. Дўстларининг “Балки бу ҳийладир”, дейишига қарамай, душманнинг нақадар разил ва ваҳшийлигини билгани учун фикридан қайтмайди. Жигарлари Усмонбек, Ҳазратқул эса укаси Туроббекка эргашади.

1928 йил августда Туроббек акалари Усмонбек, Ҳазратқул билан СССРга қайтиб келади. Маълум бўладики, хат ёлғон, фақат Туроббекка қидирув белгиланган экан. Усмонбек ва Ҳазратқул Тўрабековлар тўғри қишлоққа келиб, деҳқончилик билан кун кечира бошлайди.

Туроббек бир муддат қишлоқдошлари уста Мансур, Жониқул Шукуровнинг, Ғаллаоролнинг Оқмулла қишлоғида дўсти Мусабек Бекматовнинг уйида яшириниб яшайди. Бу вақтда равотлик дўсти Тошбекбойдан 400 сўм пул олиб, Самарқандга дўсти Муродхон Аълохўжаев, Тошкентга Орифжон Олимжонов, Мирзачўлга Абдусаттор Шукуровнинг уйига бориб маслаҳатлашади. Мулла Абдураҳмон Бойқўзиевга ҳамон ишониб, аёли, синглиси, акасига ёзган хайрлашув хатларини топширади. У Туроббекнинг омонатини ҳамда ҳар бир қадами ҳақидаги хабарларни тинмай тегишли идорага етказиб турган эди.

“Мунглиг аёлим Бибизилол ва синглим Норгулойларга!

Дунёда энг вафолиг кўрсатган аёллар бўлса, улар сизлардирсиз. Бизлар учун кўп жафолар кўрдингиз, вафолар қилдингиз. Жаноби Ҳақ сизлардан икки дунёда рози бўлсин. Мен сизлардан розиман. Жавҳарой ва Аноройларга меҳрибон бўларсизлар, тарбия қиларсизлар. Хоҳлаган вафолик қилганларнинг ўғиллари билан белгилаб қўярсизлар. Ҳа, ҳаммаларингизга бахт ва саодатлик кунлар насиб қилсин. Иншааллоҳ, бу кун бўлмаса, тонгла бир биримизни кўрармиз. Асло хафа бўлмайсизлар. Ҳамиша дуоларингиздан умидворман. Мен сиз, ожизларни қутқазмоқ учун ўлим тарафига ўйнаб бораман. Ёш кетти демайсизлар. Мен бу ўлимни ўзим учун бахт биламан. Чунки мардлик билан тўғри йўлга жон бераман! Жавҳарой ва Аноройларнинг юзларидан ўпарсиз. Ҳаммаларингизни Худога топширдим. Бийтемир отамизга ва Тавбойга, бошқа ҳамма сўрогонларга абадий салом. Рози бўлсунлар. Кулиб туриб, сизлара эгилиб салом қолдирган Туроббек Тўрабекуф”.

Алвидо / имзо/.

Васиятнома

“Дунёда ягона жонкуярим Ҳазратқули Тўрабек ўғлига!

Душманлар сеҳр ва жоду билан кўп оёгимни боғладилар. Мен адолат торозусига ёш гўдак бегуноҳларнинг бошлари билан ўз бошимни тортдим. У ёш гўдакларнинг бошлари оғир келди. Унинг учун инсоният виждоним мазкурлар учун жонимни қурбон қилишга амр ва фармойиш этди. Шу сабабли ҳақ ва адолат қонунига итоат қилдим. Буюк шавқ ва ҳаваслар билан умид боғладигим Ватан муқаддасни тарк охиратга сафар қилишга қарор бердим. Бўйнимга юкланган вазифани тўғрилик билан адо қилдим ҳамда мардлик билан жон бераман. Менинг маслакдошларим ташаббусотсиз деб айб қилмасунлар, мен муқаддас гоя йўлинда жон бердим. Мендан кейинги авлодлар менинг жасадимни босиб ўтсинлар, яъни дунёда ҳар бир нарсадан ортиқ суйган Ватаним ва миллатимнинг истиқлоли учун жон берсунлар. Сизга ва ўртоқларимга абадий салом. Мард ва жасур кишига ярашкан қаҳрамонлик билан курашиб голиб келмай ёхуд қўлимдан ҳар бир нарсам кетди, ёлгуз номусим қолди деб шонли ва шарафли тариха ниҳоят беринг, йигитнинг вазифасидур. Мен маглуб бўлсам-да, номусим қолди. Яшасун келажакдаги Туркистон истиқлоли! Ёш гўдакларни сизга топшурдим, тарбия қиларсиз. Мендан рози бўлинг. Асло хафа бўлмайсиз. Руҳимни шод қилинг. Алвидо.

Укангиз Туроб Тўрабек ўғли”.

Туроббек учун тушунарсиз кунлар узоқ давом этмади. 1929 йилнинг кузида Мунавварқори Абдурашидхонов ва унинг “Миллий иттиҳод” ташкилотига қарши очилган сохта жиноят иши доирасида жиззахлик 30 дан ортиқ зиёли қамоққа олинди. Улар йиллаб турманинг қоронғи, зах хоналарида мислсиз қийноқларга солинди. “Жиноят иши”ни эса ўзлари қандай исташса, шундай қилиб битиб ташлашди.

1932 йил 14 октябрь куни ОГПУ Ўрта Осиё бўлими томонидан жами 30 киши — Туроббек Тўрабеков билан бирга акалари Усмонбек ва Ҳазратқул, Муроджон Файзуллин, Муҳиддин Хўжаев, Муродхон Аълохўжаев, Исҳоқ Холмуҳаммедов, Тошбек Дўстбеков отувга, қолганлари ўн йиллаб концлагерларга ноҳақ ҳукм қилинди. Ҳатто ёвузлар билан ҳамкорлик қилган Абдураҳмон Бойқўзиев ҳам эрта бир куни сотиб қўймасин деб отиб ташланди.

Ватан озодлиги йўлида қўлига қурол тутиб, қизил аскарлар билан мардонавор жанг қилган Туроббек, оғалари Усмонбек, Ҳазратқул Тўрабековлар ва дўстлари 2022 йил 19 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан оқланди.

Фахр

Инсон қадр-қиммат, эъзоз, эътибор топган юртда яшашнинг завқи бошқача бўларкан. Президентимизнинг “Ўзбекистонда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорларни мукофотлаш тўғрисида”ги фармони мустақиллигимизнинг 34 йиллик байрами шодиёналари арафасида кўплаб оилалар қатори хонадонимизга ҳам қувонч, шодлик олиб келди. Сабаби падари бузрукворим, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Анвар Обиджон “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

“МЕНГА ШУ ВАТАН, ШУ ХАЛҚ УНВОН БЕРГАН”



Фармон матбуотда эълон қилинган куниёқ хонадонимизга фарғоналик адабиёт ихлосмандлари, раҳматли дадамнинг ёру биродарлари, шогирдлари қутлаш учун кириб келди. Ҳалигача “муборак бўлсин”га келаётган меҳмонларнинг қадами аригани йўқ. Эҳтиром ва қутловлардан волидам Кароматхон Обиджонова ва бутун оила аъзоларимизнинг боши осмонга етди.

Давлатимиз раҳбари адабиёт ва санъат намояндаларига ҳамиша меҳр ва эҳтиром кўрсатади. Отам ҳаётлик пайтларида ҳам бундай эҳтиромдан кўп ва хўб баҳраманд бўлиб, доим шукроналар келтирарди.

Ҳамон эсимда, Президентимиз 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан тарихий учрашув ўтказиб, миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу йўлда ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар юзасидан атрофлича фикр юритиб, ижод аҳли олдига замон қаҳрамонлари ҳақида бадиий асарлар, китоблар ёзиш, фильмлар суратга олиш вазифаларини қўйди. Бу нуфузли анжуманда отам ҳам иштирок этган эди. Шу куниёқ Тошкентдан Фарғонага қайтиб, ушбу суҳбат, давлатимиз раҳбарининг даъватли фикрлари ва берган топшириқларидан илҳомланиб, катта бир асар ёзишга бел боғлади.

Ўша йиллари отам соғлиғи бир оз ёмонлашиб бораётгандек эди. Лекин ижодга иштиёқ билан киришди. Турли соҳаларда муваффақиятга эришган инсонлар, зиёлилар, ёшлар, уста-ҳунармандлар, қўйингки, фарғоналик замондош қаҳрамонларни излаб, шаҳару қишлоқлар, маҳаллаларни кезди. Оддий, самимий, дилкаш кишилар билан суҳбатлашди. Бир неча ой тунларни тонгга улаб, тўплаган манбаларни қоғозга тушириб, “Фарғоналиклар” номли эссе-сафарнома жанридаги асарни дунёга келтирди. Асар 2018 йилда чоп этилиб, кенг китобхонлар томонидан юқори баҳоланди.

Китоб нашрдан чиққанида отам анча бетоб бўлиб қолганди. Ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган китобдан бир нусхасини қўлига оларкан, “Менга шу ватан, шу халқ “Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” деган катта унвон берган. Ана энди ижодкор сифатида юзим ёруғ бўлди”, дея жуда суюнганди. Мазкур китоб отам ижоди гулшанида ёзилган охирги асар бўлиб қолди. 2020 йилда коронавирус пандемияси пайтида дарди оғирлашиб, бу фоний дунёни тарк этди. Шукрки, унинг ижодий мероси, сара асарлари барҳаёт.

Аввало фарзанд, қолаверса, шогирд сифатида отамнинг ёнида жуда кўп йиллар, деярли умрининг охирги дақиқаларигача бирга бўлдим. Ундан яхши фазилатлар, хислатларни ўрганишга ҳаракат қилдим. Кузатиш ва хулосаларим шу эдики, у кишининг ижодида бош мавзу ватанпарварлик, одамийлик, содда ва самимийлик биринчи ўринда турган. “Мешполвон”дан тортиб, “Онамнинг мамлакати” асаригача, “Баҳромнинг ҳикояси”дан тортиб, “Фарғоналиклар” китобигача ана шу ғоя билан суғорилган эди. Бу асарларнинг ҳар бир варағи, ҳар бир сатри ўқувчини ватанни севиш, унга муносиб бўлишга ундайди.

Отам табиатан жуда камтарин, ортиқча мақтанишдан узоқ, кўп гапиришдан кўра кўп ёзишни маъқул кўрадиган инсон эди. Бутун умр шундай камтарона яшади ва ижод қилди. Аммо ўзбек адабиётига 60 га яқин турли жанрдаги китобларни маънавий мерос қилиб қолдирди.

Йиллар силсиласида отамдан айрилганимизга беш йил бўлса-да, ундан қолган маънавий бойлик қадри асло унутилгани йўқ. Президентимиз бу маънавий меросни янада юқори баҳолаб, юксак эътибор, эҳтиром кўрсатгани учун онам ва барча оила аъзоларимиз номидан чуқур миннатдорлигимизни билдираман.

Баҳром ОБИДЖОН,
журналист

ТЎҒРИ ВА ХАТОСИЗ НАШРЛАР УЧУН ЖОНБОЗЛИК — ВИЖДОНИЙ БУРЧИМ

Ҳар қандай олимнинг илмда танлаган йўли бўлади. Бу йўл умрининг бош мақсадига асосланади. Камина, аввало, бадиият илми билан шуғулланиб, 1972 йилда “Шеър санъатлари” номли қўлланма ёздим. Бу китоб Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ўзбек адабиётига дахлдор профессор-ўқитувчилари, талаба ва ўқувчиларига 25 йил хизмат қилди.



Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Гулистон давлат университети профессори,
“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби

1972 йилдан матншуносликка киришдим. Ўша йили Навоий, Огаҳий ва Муқимий асарлари нашрининг ҳар бир китобидан минглаб матн нуқсони топиб, умримни шу соҳага бағишлашга чоғландим. Натижада луғатшунос, бобуршунос, навоийшунос, табдилчи олим сифатида шаклландим. Ўзбек мумтоз адабиётининг 16 та намунасини араб ёзувидан кирилл ва лотин алифбосига кўчирдим, Навоий ва Бобур асарларини аслият ва ҳозирги тилга ўгириб, қайта-қайта тўғрилаб, нашр эттирдим. 1978 йилда профессор Ҳамид Сулаймонов мени бир “Жигули” баҳосидан юқори пул — 8000 сўм билан мукофотлаган. Бобур фондининг халқаро “Бобур” мукофоти билан тақдирландим. 2018 йилда “Ўзбекистонда Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонига муносиб кўрилдим.

Куни кеча эса Президентимиз — китобхонлик ва китобсеварлик байроқдори камтарин хизматимни “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирлади. Ҳаётдаги олий мақсадим: мумтоз адабиёт намуналарини тўғри ҳолатда нашрга тайёрлаш, халқимизга ҳозирги ўзбек тилида Навоий ва Бобур асарларини аъло табдилда етказиб бериш ва китобсеварликка ёшларни жалб этиш каби хизматларим Президентимиз назарига тушганидан беҳад мамнунман. Қолаверса, хорижлик адабиётшунослардан ҳам қутловлар келяпти. Жумладан, туркиялик бобуршунос олима Танжу Арал Сейҳан мени “Меҳнат шуҳрати” ордени билан самимий муборакбод этди. Олима, шунингдек, мамлакатимизда ижод аҳли юксак қадрланишини алоҳида эътироф қилди. Аслида, инсон учун ўзининг ютуқлари ҳақида гапириш жуда ноқулай, яъни хижолатли. Шундай бўлса-да, 2019-2020 йилларда энг юқори натижа билан ишлашга муваффақ бўлдим дея айта оламан. Чунончи, шу икки йилда 14 та мумтоз адабиёт намуналари ва “Шеър санъатлари” китобимни нашрга тайёрлаб, давлатга тегишли ва хусусий нашриётларда чоп эттирдим.

2006 йилдан 2020 йилга қадар Алишер Навоий “Хамса”си достонлари беш маротаба тўғри ҳолатда нашр этилди. “Бобурнома”нинг табдилини олима Каромат Муллахўжаева билан ҳамкорликда 8 маротаба нашр эттирдик. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонини Наим Норқулов, “Лисон ут-тайр” достонини Шарафиддин Шарипов билан ҳамкорликда, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини эса мустақил ҳолатда ҳозирги ўзбек адабиётига табдил этдим. Бобур, Машраб, Билол Нозим каби адиблар девонини нашрга тайёрладим. Мумтоз адабиётга доир тўртта луғат яратдим.

Халқнинг фаровонлиги, маънавиятининг юксаклиги сари интилган давлатнинг умри боқий бўлади. Президентимизнинг элни китоб билан таъминлаш, халқ орасида китобхонликни кучайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларига камтарона ҳисса қўшаётганимдан ўзимча масрур бўламан. Давлатимизнинг бу сийловини юксак ишонч сифатида қабул қиламан ва янада ғайрат билан ишлайман.

Давлатимиз раҳбарининг адабиётимиз даҳолари — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шонли юбилейларини кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги тарихий қарорлари ижросида бошқа олимлар қатори хизмат қилганим ўзим учун ҳам фахр, ҳам имтиёздир.

“Туркий адабиёт дурдоналари” юз жилдлиги, “Ўзбек адабиёти”нинг икки юз жилдлиги лойиҳалари амалга ошгани ва ошаётгани қанчалик улкан адабий юмуш экани барчага маълум. Бу юмушларда мен ҳам эл қатори ўша китобларнинг тўғри ва хатосиз нашр этилишига имкон қадар ҳисса қўшишни виждоний бурчим деб биламан. Зеро, маърифат, зиё тарқатиш энг савобли, эзгу амаллардан.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-846.
34930 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:55 Топширилди — 00:15

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05